

R 496
1970 /
74



ГУЛИСТОН
4 (40) 1970



**ЛЕНИН НОМИ УЛУФ ОКТАБРЬ ҒАЛА-
БАСИНИНГ РАМЗИ, ОЛАМНИНГ ИЖТИ-
МОЙ ҚИЁФАСИНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИР-
ГАН КИШИЛИКНИНГ СОЦИАЛИЗМ ВА
КОММУНИЗМ САРИ ЮРИШИНИ БОШЛАБ
БЕРГАН ЭНГ КАТТА РЕВОЛЮЦИОН ВО-
ҚЕАЛАРНИНГ РАМЗИ БЎЛИБ ҚОЛДИ.**

МАНГУЛИК

Коммунистик ва ишчи партиялари Халқаро
кеңашининг «В. И. Ленин туғилган куннинг
100 йиллиги тўғрисида»ги мурожаатидан.

И. ЗВАРСКИЙ фотоси.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали

№ 4 (40) . 1970
Апрель

1925 йилдан
чиқа
бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти.

ЖАҲОН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК
ДОҲИЙСИ, КОММУНИСТИК ПАРТИЯ
ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ АСОСЧИСИ
ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН
ТУҒИЛГАНИГА ЮЗ ЙИЛ ТУЛДИ.

ГБ УэССР

ЛЕНИН ВА ЎЗБЕКИСТОН

В. И. Ленин бутун ҳаёти ва фаолияти давомида Шарқ, жумладан Ўрта Осиё ва унинг энг йирик тарқибий қисми Туркистон, яъни ҳозирги Ўзбекистон халқларининг тарихий тараққиёт жараёнини, ижтимоий юксалиш йўлини қўзғатиб борди; уларнинг озодлиги, тенглиги, биродарлиги, демократик эркинликлардан фойдаланишни ҳақида ғамхўрлик қилди; Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг эса, уларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий жиҳатлардан рағбат топишлари ҳақида оталарча қайғурди, уларга раҳнамо бўлди, йўл-йўриқ қўрсатди.

Шарқ халқларини озод қилиш, уларни ижтимоий тараққиёт доирасига жалб этиш имкониятлари ҳақида Маркс ва Энгельс ҳам кўп йўлар эдилар. Улар лшган даврда бу абстракт (мавҳум) имконият реал (ҳақиқий) воқеликка қачон, қаерда, қандай айланади деган жумбоқ ечимлаган эди. «Инсоният... деб ёзган эди К. Маркс, — Осиёнинг социал ҳолати соҳасида тубдан революция қилмай туриб, ўз бурчини бажара оладими-йўқми, гап ана шунда». Ленин миллий-мустанлака масаласига, Осиё халқларининг тарихий тақдирига доир асар ва идеялари билан бу саволга: йўқ, бажара олмайди! деб жавоб берди; зотан у XX аср тарихий жараёнининг моҳияти ва ихтилоблини ҳаммадан кўра яққол кўрган эди. Шунинг учун ҳам у ўз асарларида Шарқ, жумладан Туркистон халқларини озод қилишининг йўлиларини белгилаш мумкинлигига ҳаммиса катта эътибор берди.

Улуг оптимист бўлган Ленин осийлик мазлумларнинг потенциал куч-қудратига, порлоқ истирболига, озодликдан жонидилдан манфаъдорлигига қаттиқ ишонди ва «дунёдаги ҳеч қандай кучлар Осиёда эски крепостнойликни тиклай олмайди, Осиё ва ярим Осиё мамлакатларидаги халқ оmmasининг қаҳрамонона демократизмини ер юзидан супуриб ташлай олмайди», деб дагалай айтди. Осиёнинг ҳамма бурчақларида қудратли демократик ҳаракат ўсиб, кенгайиб, мустақамлашиб бораётганини ҳаммадан олдин ва тез кўра билган Ленин бундай деган эди: «Юз миллионлаб одамлар йўғони, ҳаётга, ёруғликка, озодликка интилмоқда. Жаҳон миқёсидаги бу ҳаракат коллективизмга фақат демократия орқалигина эришиш мумкинлигини тўшунган барча онгли ишчилар қалбидан нақадар зўр завқ тугдирмоқда! Барча виждонли демократлар ёш Осиёга нисбатан нақадар хайрхоҳлик қилмоқда. Ана шу интилиш, тўшунушча зўр завқ, хайрхоҳлик туфайлигина ўзбек, тожик, қозоқ, туркман, қирғиз халқлари, чет элларда эса хитой, ҳинд, араб, форсий, турк, урду, негр халқлари минг йиллик нафрат уйқусидан уйғониб, ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқи учун курашга отландилар».

Шарқ халқларининг содиқ дўсти ва раҳнамоси бўлган Ленин Октябрь революциясига таяйбарлик қўрилайётган даврда биз, рус ишчи ва деҳқонлари Туркистон, Мўғулистон, Эрон каби мустанлакаларнинг бирортасини эзрили билан қўлда тутмаймиз, битсин мустанлакаларни бўлиб олиш учун олиб бориладиган уруш, деган эди. Бу чарқиқларда Лениннинг Шарқ халқларини асорат ва зулматдан қутқариб, озодлик

зиёсидан баҳраманд қилиш гоёси жуда яққол ифодаланади. Революциядан кейин икки йил ўтгач, яъни 1919 йил ноябрда Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг II Бутун Россия съезидида сўзлаган нутқидо Ленин мустанлака ва Шарқ мамлакатларида миллий-озодлик кураши мислсиз кенг қулоч ёйжагини илмий башорат қилиб, бундай деган эди: «Шарқда, биз биламизки, Шарқ халқлари оmmasи мустақил қатнашчилар сифатида, янги ҳаёт ижодчилари сифатида курашга қўзғаладилар, чунки юзларча миллиондан иборат бўлган бу аҳоли тўла ҳуқуқли бўлмаган, қарам миллиятлардандир, бу аҳоли ҳозирга қадар империализмнинг халқро сиёсатининг объекти бўлиб келди, бу аҳоли капиталистик маданият ва цивилизацияни кучайтириш учун зарур бўлган материал сифатида кун кўриб келди».

Октябр революциясидан олдинги даврларда ва кейинги беш-олти йил мобайнида одатда мусулмонлар деб юритилган ўзбек, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз, татар ва бошқа халқларга қарата 1917 йил 20 ноябрда «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» деган мурожаатнома В. И. Ленин имзоси билан эълон қилинди. Бунда илгариги мазлум халқларга нисбатан самийий ҳурмат ва олий ҳиммат, инсонпарварлик руҳи билан сугорилган илҳомбахш, жоизбали сўзлар ёзилган эди. Унда, жумладан сизнинг ўз дин ва урф-одатларингиз, миллий ва маданий муассасаларингиз эркин ва дахлсиздир, миллий турмушингизни эркинлик билан қўра беринг, сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни Совет давлати астойдил ҳимоя қилади, дейилган эди.

Дарҳақиқат, Совет давлати мамлакатдаги барча халқларга раҳнамо, ленинчи партиямиз эса йўлбоши, улуг Лениннинг ўзи эса сарков ва соябон бўлди. Шулар туфайли халқимиз тарих супуридиларидан тозаланган нурли йўлга тушиб олиб, социализмнинг нурафшон чўққилари сари йлдам қадам ташлади ва унинг Шарқдаги машъали зиёсидан баҳраманд бўлди. Бу эса, республикамизда ҳар томонлама камолотга етиб бораётган янги шахсни вуждга келтирди ва Лениннинг қуйидаги илмий башоратини тўла-тўқис тасдиқлади: Совет ижтимоий тузуми капитализм кишанларидан озод этилган ишчи ва деҳқонлар учун биринчи марта «ўзини кўрсатиш, ўз қобилиятини кучайтириш, истеъдодини намоён қилиш» имкониятини очиб бердики, булар халқда «хали битмас-туганмас бўлиб... гоёт бой чапмайдир».

Лениннинг олижаноблиги, зийраклиги, ўтмишдаги мазлум халқларга нисбатан оталарча ғамхўрлиги яна шунда яққол намоён бўлган эдики, у Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётига доир энг муҳим амалий масалаларни ҳал этишга етакчилик қилибгина қолмай, бу ўлкада юз берган моддий, маънавий процессларнинг моҳиятини пухта, чуқур ўрганди, тарихий шароит тақозо этган қонуниятларни ва маҳаллий ҳуқуқларни ҳисобга олиб иш қўриш намунасини намойиш қилди. Масалан, янги иқтисодий сиёсат (НЭП) даврида Совет Туркистондаги ходимлар орасида баъзи англашимовчилар юз

берганда ким ҳақ, ким ноҳақлигини кўрсатиб, «албатта мусулмон камбағаллар комитетлари ва... мусулмон камбағалларга диққат билан, ҳушёр муносабатда бўлиш ва бир қанча имтиёзлар бериш» кераклигини уқтирди. Владимир Ильич Ленин камбағалларга имтиёзлар бериш, рағбатлантириш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларни уюштириш, уларга онг-билим бериш сиёсати бутун Шарқ мамлакатлари учун намуна бўлиши кераклигини ҳам таъкидлади.

Гражданлар уруши даврида ҳам, тинч қўрилиш йилларида ҳам партия ва Совет ҳокимиятининг Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон халқлари иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётини қайта ташкил этиш юзасидан амалга оширган тадбирлари Лениннинг мўътабар номи билан чамбарчас боғланган. Владимир Ильич ҳаммиса мазкур ўлкадаги ишлардан бохабар бўлиб, коммунистларга, раҳбарларга дастуриламалар бериб турди. Масалан, 1918 йил 23 июлда Ленин Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раисига телеграф орқали куйидаги мазмунда мурожаат қилди: «Тошкент ва Туркистон ўлкасининг сиёсий ва иқтисодий аҳоли тўғрисида хабар қилинг. Мунтазам равишда Москвага, Халқ Комиссарлари Советига информация бериб турмоқ зарур».

Совет Туркистонини ҳарбий қамал ичида қолиб, халқ очлик тахликаси остида турганда, қўшатчилик ва қимматчилик чигирт-кадек бошқариб келаётганда, унинг муҳим оқибатлари таҳдид солаётганда, Ленин кўрсатмаси билан Кубандин, Ставрополдин, Актюбинскдан бир неча юз минг пуд гафла, ўн минг метрлаб гафлама келди.

1918 йил май ойида Ленин «Туркистонда сугориш ишлари ва бу ишларни ташкил этиш учун 50 млн. сўм пул ажратиш тўғрисида»ги декретни имзолади. Бу декретни амалга ошириш учун яна техника ва малакали кадрлар юбортирди.

В. И. Ленин ташаббуси билан 1919 йил ёзида Туркистон fronti тузилди, марказдан келган қўшинлар Оренбург фронтини ёриб ўтиб, ўлкани озод қилиш йўлини очдилар. 1919 йил октябрда доҳийнинг кўрсатмаси билан Туркистонга сиёсий тузилди; ўлкадаги коммунистларга Лениннинг машҳур мурожаати эълон қилинди. Бунда Туркистон меҳнаткашлари билан РСФСР ўртасида тўғри муносабат боғлаш оламшумул тарихий аҳамиятга эга эканлиги, бу комиссияга ишониб, ёрдам бериш зарурлиги айтилади. Туркистон коммунистлари, пешқадам ишчилар доҳийнинг мурожаатини шарафли топириқ деб билиб, уни астойдил бажардилар. Мазлумлар раҳнамоси Ильичнинг кўрсатмаларига биноан Туркистония ҳайъатида ўлкамизга келган «доҳий элчилари» ўз тарихий миссияларини бажараётганда маҳаллий халқларнинг турмуш ва урф-одатларини, иқтисодий, ижтимоий, маданий тараққиёт даражасини назарда тутиб, иш олиб бордилар. Улар улуг давлат шовинизми ва маҳаллий буржуа миллиятчилигига қарши кескин кураш сарқори бўлдилар.

Ўзбек халқи орасидан ҳам партия, давлат, халқ ишига садоқатли ва ленинча миллий сиёсатни яхши билди, уни қаттиқ амалга оширишга кўп ҳисса қўшган И. Тўра-

қулов, К. Отабоев, А. Раҳимбоев, Ғразота, П. Охунбоев, Қосимхўжаев, Миршапов каби юзлаб ажойиб раҳбар кадрлар камол топиб чиқди.

Урта Осиёда граждандар уруши ва ҳарбий интервенция тугагач, Совет Туркистонига илгари берила бошлаган беғараз ёрдамнинг кўлами янада кенгайди. Бунга 1920 йил 2 ва 27 ноябрда Туркистон ва Озарбайжонда пахтачиликни тиклаш ҳақида Ленин имзо чеккан декретнинг чиқарилганлигини, буларни амалга ошириш учун катта куч ва маблағ ажратилганини ва бошқа бир неча тадбирларни мисол келтириш мумкин.

В. И. Лениннинг Шарқ халқлари, жумладан ўзбек халқи олдидаги буюк тарихий хизматларидан бири яна шундаки, йўлбошчимиз илгари орқада қолган халқларнинг нокапиталистик йўлдан ривожланиб бориб, социалистик революция орқали бевосита социализмга боришлари мумкинлиги ҳақида янги таълимотни олға суриб, марксизмни ижодий тарзда ривожлантирди. Бу таълимот ўзбек, қozoқ, қирғиз, тоjik, туркман халқларида ғалаба қилган илғор рус пролетариати ёрдамида тараққиётнинг азоб-уқубатли капиталистик йўлини четлаб бевосита социализмга ўтиш мумкинлиги ҳақида мустаҳкам ишонч ҳосил этди. Бу ишонч бориб-бориб ғоявий эътиқодга айланди. Бундай эътиқод эса, амалий ҳаракат муваффақиятининг муҳим гаровидир.

Республикамизнинг харитасига бир нигоҳ ташланг. Унда сиз Лениннинг «ўлкани қайта барпо этиш» тўғрисидаги орауиси, унинг мангу барҳаёт ғоялари рўёбга чиқаётганини аниқ ҳужжатлар билан кўрасиз. Зангори каналлар, раvon бетон йўллари кесиб ўтган собиқ чўлларни, ҳозирги гулдстонларни, обод ва серунум водийларни кўрасиз. Ўзбек элининг тупроғи эркин инсоннинг ижодий меҳнати туйғайли тубдан ўзгариб, мисли кўрилмаган миқдорда пахта, ғалла, мева бермоқда, тоғ ва чўллардан кўплаб олтин, газ, нефть, кўмир олинмоқда.

Булар кўрсатадики, Лениннинг абадий

барҳаёт ғоялари ўзбек халқининг ҳам ҳаёт ва фаолиятида, ижтимоий тараққиётида яшаб, қалбдан қалбга, авлоддан авлодга ўтиб бормоқда. Бинобарин, Ленин биз билан бирга, бизнинг амалий ҳаракатимизда ва планларимиздадир, республикада социализм ва коммунизмнинг ғалаба қилишида, инсониятнинг илтифатли ижтимоий раvнақидадир.

Республикамизда Лениннинг мўтабар номи, мутафаккирлик даҳоси, илмий башорати ва ўлмас таълимоти унинг номи билан аталган Тошкент — Термиз оралигидаги катта Ўзбекистон трактида, Бекobodдаги металлургия заводиди, Олмалиқдаги Тоғ-металлургия комбинатида, Тошкентдаги марказий проспектта, Тошкент Давлат университетиди, юзлаб қолхоз ва совхозларда абадий яшайди.

Жонажон Ватанимиз халқлари, жумладан ўзбек халқининг коммунизм сари бораётган шонли йўлининг сарчашмаларида ҳаминша барҳаёт Ленин турганлиги билан чексиз фахрланадилар, унинг мўтабар номини чуқур ҳурмат ва юксак мамнуният билан тилга оладилар. Ш. Р. Рашидов айтганидек, «ўзбекларнинг, барча Урта Осиё аҳолисининг бахти шундаки, улар рус халқи билан, жаҳонга барча маълум омманинг дохийси ва устози бўлган буюк Ленинни берган Россия билан, меҳнаткашларнинг озодлик учун олиб бораётган тарихий кураши майдонга шонли Коммунистик партияни чиқарган Россия билан бирга бўлдилар».

Ўзбек халқи ҳам Октябр кўшидан нур эмиб, социалистик тузумдан моддий ва маънавий мадад олиб, Ленин даҳосидан билим ва илҳом олиб, тарих локомотивига тушиб, зулматдан зиёга томон гигант қадам ташлаб, коммунизмнинг нурафшон чўққилари сари тезлаб бораётир. Бошқа қардош халқлар каби ўзбек халқининг ҳам бугунги кўни кечагидан, эртаси бугунгидан самарали, салмоқдор ва порлоқдир. Чунки унинг йўлини ленинизм машғали ёритиб турипти.

Профессор А. ОРТИҚОВ.

Унинг номи билан

Шонли Октябрни тилга олганда
Улуғ Ленин тушар ёдимга ҳар гал,
Улуғ Ленин дово йўлбоши эди,
Арслар жумбоғи этилганда ҳал.

Ағдарилганида қонли тоғу тахт,
Ленин раҳбар эди жангу жадалда.
Ҳар бир қувончли кун, ҳар ғалабада
Ленинни эслаймиз биринчи галда.

Қанча масофани босиб ўтди халқ,
Қанча довои ошдик ўшандан бери,
Ғалаба қозондик ҳар бир соҳада,
Жаннатга айланди ғолиблар ери.

Бизга Ленин доим мададкор бўлди,
Унинг номи билан боғлиқ ҳар зафар,
Унинг ғоясидан қудрат, куч олиб,
Коммунизм сари бошладик сафар.

Ҳар бир мушкулни ҳам осон қилади
Унинг таълимоти, унинг ғояси.
Уни устоз дедик, унга нисбатан
Ҳурмат, севгимизнинг йўқ ниҳояси.

Шонли Октябрни тилга олганда,
Улуғ Ленин тушар ёдимга ҳар гал,
Улуғ Ленин устоз ва раҳбар эди
Авлодлар тақдири этилганда ҳал.



Н. ҚЎЗИБОВЕВ. Туркистон вакиллари В. И. Ленин ҳузурнда.



ОЛИС

ЎЗБЕКИСТОНГА ХАТЛАР

1921 йил. Еш Совет республикаси энди қаддини ростлапти. Чор афроғлар ёшлар таҳдид соляпти: Сибирда Колчак, Шимолда Деникин... Мамлакат уруш, вайроналик ҳалқасида. Халқ бошига очлик соя ташлаб турибди. Ана шундай пайтда биринчи Халқ Комиссарлари Советининг биринчи Раиси Владимир Ильич Ленин олис Амударё қирғоқларига, Орол денгизининг иши ва балиқчиларига махсус хат билан мурожаат қилади. «Қадрли ўртоқлар!— дейилади хатда.— Жуда катта фалоқат тўғрисидаги, яъни бутун Поволжье билан Приуральянинг бир қисмида юз берган ва мисли кўрилмаган очлик тўғрисидаги хабар сизларгача етиб борган бўлса керак, албатта. Астрахань губерниясидан тортиб Татаристон республикаси ва Пермь губерниясигача ҳамма ерда қурғоқчилик бўлиб, дон ва ўтлар деярли бутунлай қуриб қолди. Миллионлаб кишилар— меҳнаткаш деҳқонлар ва ишчилар, миллион-миллион чорва моллари ҳалок бўлиш олдиди турибди ва ҳалок бўлмоқда...

Қадрли ўртоқлар, Орол денгизининг балиқчилари ва ишчилари, саҳий қўлингиз билан ёрдам беринг. Бу билан сиз одамгарчилик қилибгина қолмай, ишчилар революцияси ишини ҳам мустақамламан бўласиз».

Орол балиқчилари ҳам одамгарчилик қилдилар. Улар дарҳол муҳтожларга тонна-тонна балиқ жўнатишди. Натижада Россиянинг минглаб кексалари, аёллари, гўдаклари жон сақлаб қолдилар, революция солдатларининг юни бутун бўлди.

Мана, йиллар ўтди. Бугун кўҳна Орол соҳилларини негзан киши лол қолади. Денгиз бўйида Мўйноқ деган чиройли бир шаҳар қад кўтарган. У шундоққина кўкмигир тўқинларга тўш уриб турибди. Оролда, оққушдай бўлиб, учқур кемачалар, салобатли теплоходлар сузиб юрибди.

Иқтилоб арафасида Оролда кичкинагина балиқчилик хўжалиги бор эди. Энди— Мўйноқ балиқ-консерва комбинатида кирган киши адашиб қолади. Урта Осиёда тенги йўқ корхона. Иттифоқимиздаги энг ширин балиқни мўйноқликлар тутишади, ҳар кунни ватадшошларимиз дастурхонини лаззатли таом безаб туради. Балиқчи шаҳарнинг 11 минг меҳнаткаши чароғон хонадонларда истиқомат қиладилар...

Ленин жилдларини варақлапман. Самарқандга юборилган бир телеграммага кўзим тушди. Уқиди: «Самарқанд. Губ-партком, Шафранскийга, 1921 йил 27 июнь».

Салом юборган дўстларга ташаккур билдираман. Ҳозир энг муҳими ишчи ва деҳқонларнинг аҳволини дарҳол яхшилашдир. Ҳозир ҳамма иш... жойлардаги ходимларнинг ғайратига ва моҳирлигига боғлиқ».

Самарқанд! Бу азим диёр ҳақида неча минг йил ёзилди, яна ёзилажак. Аммо Самарқанднинг кейинги 52 йил ичигаги азмипишгани, хусни-таровати ўз достонига, минг бир қўшиққа лойиқ! Бугунги Самарқанд— аввало ям-яшил, ҳазонсиз боғлар демек, Самарқанд— тоғ-тоғ пахта диёри, нуқра қорақўл маскани, турфа мармар ватани, анжирзору уузморлар, хандон пистаю,

бодомзорлар ўлкаси, Ҳимолойдай уюму-юм бугдой макони, илму урфон ўчоғи!

Келинг, рақамларга сўз берайлик. Ҳозир жаҳондаги 25 мамлакат Самарқанд муҳри босилган саноят молларини сотиб оляпти. Самарқанднинг «Кинал» заводидан чиқаётган аппаратларнинг 80 проценти Европага жўнатилюмоқда.

Шаҳарда лифт заводи қуриляпти. Қозоғистон ва Урта Осиё республикаларига йил сайин минглаб лифтлар юборилади. Янги чинни заводи тикланыпти.

Самарқандда 26 олий ўқув юрти ва илмий-текшириш институти, техникум бор. Уларни ҳар йили 12 минг талаба битириб чиқяпти.

Ҳа, «жойлардаги ходимларнинг ғайрати ва моҳирлиги» ҳақида дохийнинг орузи ушалди. Самарқанд энди ўнлаб Қаҳрамон пахтакори, Фаллаоролли, Нуротаси, Уругти, Каттақўрғони билан фахрланса арзийди!

...Иқтилоб бўронлари ҳамон гувиллаб турган оловли кунларда Ленин «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» деган машҳур хатини ёзади. Хат доҳиёна башорат ва мазлумларга меҳр-шафқат рамзидай жаранглайди. Айниқса, мана бу сатрларни ҳаяжонсиз ўқиш қийин. Бу сатрлар гўё Ўзбекистонга, елкасига офтоб теккан миллион-миллион ўзбекларга қаратилганга ўхшайди. «Вақтнинг ғанимат биллингиз,— дея хитоб қилади Владимир Ильич,— ерингизга асрлар бўйи хўжайинлик қилиб келаётган босқинчиларни елкангиздан иргитиб ташлангиз! Ота-бобонгиздан қолган қадрдон юртингизни бундан бўён уларга талатиб қўймаган! Ўз мамлакатингизга ўзингиз хўжайин бўлмоғингиз лозим! Ўз турмушингизни, кўнглингиздагидай ва ўз хоҳишингизга мувофиқ қилиб ўзингиз тузмоғингиз керак. Сиз шундай қилишга ҳалқисиз, чунки сизнинг тақдирингиз ўз қўлингизда...»

Бу хитоб мазлум Шарқ халқлари учун бугун ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ. У инсонларни ҳаминша эрк ва истиқбол сари чорлаб туради!

Ўз турмушини кўнглидагидай ва ўз хоҳишига мувофиқ қилиб тузган ўзбек элининг кўкси энди осмон қадар юксалди. Бир вақтлар буюк Ибн Сино ҳар вилоятда битта пиёфрон бўлишини орзу қилганди. Энди 12 миллионлик ўзбек юртида минглаб профессор ва фан кандидатлари, ўн минглаб врач ишлаб турибди! Доно Беруний, тоғлар қаърида ётган хазиналар тилсимига хаёлан қўл урган эди. Энди бу хазиналар ўз хўжайинларининг хизматида! Улуғ Навоий бир вақтлар «мулки ирфон, мулки шуаро» ҳақида ўй сурганди. Ҳозир республикамизда йил сайин 30 миллион нусхада китоб чоп этилмоқда. Ўзбек тилида 120 га яқин газета чиқяпти, салкам 40 та олий мактабда, бир неча юз минг талаба тахсил кўрапти!

Ҳа, ўзбек халқи, эндиликда «оқ олтин», пилласи, тилласи, қорақўл, зангори ёқилгиси, анори, атласи, самолёти, трактори, нефти, газали, мармари, таронаси билан жаҳон элининг кўзини қамаштиряпти! Булар бари Ленин даҳосидан, Ленин башоратидан, Ленин роғларидан! Шунинг учун ҳам бахтиёр ўзбек халқи Владимир Ильич Ленинга чин қалбдан таъзим қилади!

АСР ДАҲОСИ,

АСР ФАРЗАНДИ

Владимир Ильич фаолиятида унинг Шарқдаги мазлум миллатларга қизиқиб қараганлигини кўрсатиб ўтмоқ лозим. Ильич бизга бошқа соҳалардаги каби мазлум миллатлар масаласида ҳам кўп кашфиётларни очиб берди.

Агар рус мужиги Ленинни отам деса, сариқ, қора танили кишилар ва бошқа ирқдаги ҳамма кишилар ҳам уни ўз отамиз дейдилар. Социализм учун жаҳон миқёсида олиб борилган курашда Ленин Шарқдаги жуда катта армияни назарда тутди.

Биз капитализм энди ривож топиб келаётган Шарқ мамлакатларида жуда зўр ҳаракат борлигини кўриб турибмиз. Шарқнинг революцион Шарқда айлана олишини фақат доҳий Ильичгина кўра олди. Бу унинг буюк хизматирид.

С. М. КИРОВ

Мустамлака халқларини революцион ҳаракатга жалб қилиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини Ленин биринчи бўлиб тушунди ва тўғри баҳолади. Ленин улари социял революция қилиш нақадар бемаънилик эканлигини ҳам биринчи бўлиб англади.

Мустамлака мамлакатларда муваффақиятли иш олиб бориш учун у ерданги миллий-озодлик ҳаракатидан тўла фойдаланиш кераклигини, бу ҳаракатни қўллаб-қувватлаш жараёнида пролетариат социял революция учун олиб бораётган курашда ўзинга янги, забардаст иттифоқчи ортиришини Ленин ўзинга хос зийраклик билан тушунди.

ХО ШИ МИН.

Улуғ Ленин раҳбарлик қилган Октябрь иқтилоби билан деярли баравар биз Ҳиндистонда эрк учун курашининг янги даврини бошладик. Бизнинг халқимиз кўп йиллар давомида шу кураш гирдобида, оғир азоб-уқубатларга мардонавор чидаб келди. Махатма Ганди бошчилигидаги бу курашда, гарчанд биз бошқачароқ йўлдан борган бўлсак ҳам, ҳаминша Лениндан илҳомланганми, у бизга ҳаминша ибрат эди.

ЖАВОҲАРЛАЛ НЕРУ.



ЛЕНИНГА ТАЪЗИМ

Хусниддин ШАРИПОВ

Бу — сарҳисоб эмас, муҳтарам устоз,
Бу —

Сизга одатий ҳисоботимиз.
Истиқбол йўлида этмоқда парвоз
Тарихнинг чангига чўмган оптимиз,
Ким олис сафарни айласа хаёл,
Юки ҳам албатта бўлади вазмин.
Кифтимиз ҳис этиб турибди яққол
Орзулар, қўлдаги қадоқлар назмин.
Тутундай

орқада қолар аламлар,
Тобора туюлар ҳаво мазали,
Мияда —
Улуғбек чеккан рақамлар,
Қалбда —

Навойнинг гўзал ғазали.
Илдизи мустақкам, таг-туғли киши
Ўтмишни фахр ила олса-да тилга,
Унга кўзгу бўлур бугунги иши —
Бугун океанга қўшилган жилга.
Кўз ташланг мусаффо, одил кўзуга:
Халқимнинг қомати —

адил ва кўҳлик.
Теран ўй нақадар ярашса унга,
Шунчалик ярашар лутф ила шўҳлик.
Табассумингиздан сўз бошлар, Ильич,
Сизни тасвирлашга кимки ҳад қилса.
Завқ тўла оламини қура олмас ҳеч
Кўнглида завқ тошиб турмаган кимса.
Нур бўлиб забт этар одамзод кўнглин
Ҳаётдан кунба-кун олинган сабоқ.
Тусолмас нур ҳамда табассум йўли
Қаллашиб ётса-да миғ-миғ Қоратор.
Эсларсиз:

«Туркистон элида ногоҳ
Пайдо бўлиб қолса Ленин деган зот,
Дарҳол қамалсин!»

Даб этганид оғоҳ
Тошкентлик жаллодин питерлик жаллод.
Фармони ёд олар миршаб ва жосус,
Фармоннинг сўнгида бир қулоқ тазкир —
Подшога дахшатли,
Биз учун азиз
Қадду қиёфангиз этилган тасвир.
Лекин овозингиз чет эллардан ҳам
Бизга этиб келди

тўлқиндай тошиб, —
Ериб Россиянинг сарҳадин бардам,
Қайноқ Осиенинг қумларин ошиб.
«Ишчи қўлида, деб, мамлакат изми!»,
«Аврора» тўплари берганда садо,
Сизнинг қувончингиз, иродангизни
Бизга тўлқин бўлиб етказди сабо.
Дехқон ер олганда

кўзига қўнди
Сизнинг кўзингизда яшнаган ёлқин,
Сизнинг нафасингиз иситиб энди
Шудгор жыланди мисоли тўлқин.
Биз билан биргасиз оқшому саҳар,
Биргасиз

ва лекин эмассиз меҳмон.
Ишчи деб атайди Сизни ишчилар,
Дехқон деб атайди Сизни ҳар дехқон.
Кўксига жо этди ўзбек суюниб,
Юртимда янграгач йўриқларингиз,
Дехқонсиз!

Бехато чиқмоқда униб
Еримизга сочган уруғларингиз.
Эллик йил муқаддам —
салқин чўккан кез —
саксон олти олим,
бир дунё китоб,
колба, микроскоплар
кўтарган поезд
Кириб келган эди Тошкентга шитоб.

Йиллар тўғонидан ел каби ҳатлар
Нур билан йўғрилган менинг хаёлим!
Бугун бутун ўлкам мактабга қатнар,
Бугун тўрт дўстимнинг биттаси олим,
Шеър ёзар косибининг фарзанди хушқол,
Шоирнинг фарзанди қатнар заводга...
Бир йисон умри ҳам етмас, аҳтимола,
Умримиз унумин солмоқ-чун чўтга.
Дарвоқе, ғалатроқ чиқди бу сўзим,
Кибернетикадек дастёримиз бор —
Ҳужайра мағзин ё кинот юзин
Лаҳзада ўлчашга айласак қарор.
Дерларки:
«Мардикор» олганда золим,
Гугуртчи уста ҳам тушибди чекка;
Бир даҳа сарф этиб унга мол-қолин,
Бошқани йўллабди мардикорликка.
Нетай биров буни латифа деса,
Латифаларда ҳам, асли, ёлғон кам;
Гугуртчи бўлмаса, гугурт бўлмаса,
У пайт қайнамасди оби ёвғон ҳам.
Ҳазил —

суҳбатларга бўлса-да безак,
Ҳазил деб уйламас ҳеч киши бугун
Атом ўчоғига дадил қўл чўзсак
Сигаретимизни тутаймоқ учун.
Бир вақт «фарағний» ё «амирқон» дерди
Ноброқ буюмини кўрган одамлар.
Замона ўзгарди,
Одам ўзгарди,
Ўзга ўзан ичра тўш урар дамлар.
Бугун Тошкентимнинг ҳар дастгоҳига
Кўз тутар меҳр ила арабмин, чехми;
Биз-ла бўй ўлчашса

чув тушмоғига
Ҳатто этиб қолди фарағлар фаҳми.
Халқим
бағри олтин қайнаган юртда

Энди чироқ топса,

изламас пиллик;

Тун-кун бошимизда порлаган нурда
Доҳимиз тирик!
Жипслашар тобора меҳнаткаш сафи,
«Доина»га ҳамоҳанг жаранглар «Баёт»,
Халқларни боғларкан қардошлик ипи,
Ленин — барҳаёт!
Замин теграсида кезса-да хатар,
Ҳаёт чиқмас сира инсон измидан,—
Чунки тинч меҳнатни қўмсаиди башар,
Ленин —

биз билан!

Темур даврида ҳам Самарқанд халқи
Ток ўстирар экан, пахта экаркан.
Тириклик ташвишини ўйларди балки
Дехқон ғўза узра қаддин эгаркан.
Энди марза узра ғам торта-торта
Бўлмас йигит сочи бемаҳал сийрак;
Чигит тикар экан дехқон баҳорда,
Қорин ҳукми ила ўйнамас юрак.
Табиат бекорга бўлар овора,
Ёзу киш соумас бизларнинг тандир
Ва «иллик узилди» деган ибора
Лугат сафҳасидан ўчиб кетгандир.
Бизни жаҳон билан этади пайванд
Ошпоқ пахтамининг ҳар бир қатими;
Халқим

ўз пахтасин дастурхон айлаб,
Тебратар дехқоннинг сиёсатини.
Шунинг-чун яшаймиз қадни тутиб ғоз,
Шунинг-чун қийиндир бизни мот қилмоқ —
Пахтадан

яхшига

тўқилур либос,

Емонга

пахтадан

эшилар сиртмоқ.

Яратувчиларимиз,
Эмасмиз муҳтож
Ҳеч кимнинг

ҳеч қандоқ

ҳимоясига.

Октябрь халқимга бахш этган ривож
Ҳали етгани йўқ ниҳоясига.
Ер билан Офтобин қариндош этар
Офтобич Ер билан боғлаган зиё;
Ғарбий Сибирь билан туташиб кетар
Эрта ё индинга Ўрта Осиё.
Бугунча мовий муз босган Обь наҳрини
«Нельма», «Муксу» деган шўх балиқлари
Кара денгизда бир оз олғач тин,
Ошиқар Янги ер ороли сари.
Улар қувонч ила йўртади ҳали
Янги шлюзлардан ошиб соғ-омон,
Аму ва Сирдарё ўртасидаги
Серқуёш «Янгир» воҳаси томон.

Шунда халқ қўзғалар янги водийга
Балиқ тутмоқчамас,

чигит тиккани.

Ўриатиб қўйилар кейин музейга
Энг сўнгги саҳронинг

сўнгги тикани.

Ўйламанг,

Шундан сўнг пахтакор элим
Оёгин узатиб ётар экан, деб,
Унга ҳаёт берган офтобнинг селни
Шинирмоқ жонига ахир теккан, деб,
Асло! Асло!! Асло!!!
Дехқон ҳеч қачон
Тўхтатмас яратув бобида баҳсни.
Минг йиллик ям-яшил Фарғона ҳамон
Энг ҳалол меҳнатнинг майдонимасми?
Меҳнат фикр билан омухта бўлур,
Фиркага сарбондир доимо ҳавас;
Тоза ҳаво эмиб айласак хузур,
Ленин —

ҳамнафас!

Истиқбол боғидан қайтар акс-садо
Бугунги гўдаклар уришса хандо.
Жангчимиз,—
Тинчликка жонимиз фидо,
Ленин —

қўмондон!

Халқим ёруғ юз-ла боқиб бемалол
Келгуси асрга, кечмиш асрга,
Орзу гулшанида экмoқда ниҳол
Ильич-ла бирга!
Дўстим, муҳаббатга чанқоқдир жаҳон,
Жаҳонини

Ильичдай

меҳринга қондир!

Замин омон бўлса,

халқ бўлса омон,—

Ленин омондир.

Яхши ният билан туғилар киши,
Доим яхши ният ижобат топар.
Қолмас ярим йўлда Лениннинг иши,
Биз билан —

зафар!

Бу —

ярим йўлдаги ҳисоботимиз,
Тинглар сайёралар рапортин офтоб,
Энг эзгу манзилга етар отимиз,
Ушанда ёзилур қутлуғ сарҳисоб.
Қўп мадҳ атайакман ҳали Ильични,
Қиссамнинг ҳиссаи

лўнда

ва қисқа:

Азалдан билардик меҳнат қилишни,
Ленин

яшамoқни ўргатди бизга.

1970 йил 24 январь.
Тошкент.

ҚУЁШНИ

ҚУТЛАБ

Халқ ўз дилидагини доим тилига чиқариб келган. У бирор сўзни беҳуда айтмаган, бирор нарсани ноўрин баҳоламаган. Ҳа, халқ — тарих, замон ва шахснинг энг одил, энг олижаноб ҳанамидир. Бугун бутун жаҳон халқи Ленинни, Улуг Октябрь инқилобини сўнмас қуёш деб баҳоламакда. Бугун эронлик косиб ҳам, инглиз ишчиси ҳам, афгон дехқони ҳам, вьетнамлик жангчи ҳам, болгар бoғбони ҳам бу қуёшни қутламоқда. Ғафур Гулом номидаги нашриёт чиқарган «Қуёшни қутлаб» китоби ана шундай қутловлар мажмуасидир.

Китоб икки буюк қитъа — Осиё ва Африка мамлакатлари шоирларининг юрак сўзларидан иборат. Унда турк Нозим Ҳикмат, ҳинду Валлатхол, афгон Абдул Рауф Бенаво, корейс Ўгин Бен Гюк, таналик Жон Окай каби истеъдодли фарзандлар ўз она халқларининг Ленинга бўлган чечсиз меҳрини мисраларга тизган. Уларда инсоният доҳийсига бўлган муҳаббат ва ҳурмат барқ уриб туради. Этан, бу китоб хорижий Шарқ адабиётида шу мавзуда битилган дурдоналарнинг нафис гулдастасидир.

Владимир Ильич бугун фақат буюк йўлбошчи ёки нартарин инсонгина эмас, балки бутун инсоният учун яхшилик ва эзгулик рамзидир. Буни мўғул шоири Д. Сенге шундай шарҳлайди:

Қайда халқлар дўстлиги

ўсса,

Қайда кулса нур ва адолат,
Қайда зафар қозонса эллар,
Шунда Ленини яшайди абад!

Ленин араб эмас, у Вьетнамда туғилмаган, у Мўғулистонда яшаманган, у Хиндистонда бўлмаган. Ленин араб ҳам, ҳинд ҳам — барча халқ уни фахр ва гурур дейди. «Бизнинг Ленин!» дейди. Бу фахр ва гурурда Ленин гоёлари ҳеч қачон завоёл билмайдиган, энг умуминсоний гоёлар эканлиги, Ленин йўли ҳақиқат манзилининг бирдан-бир тўғри йўли эканлиги яна бир бор намойиш этилади. Китобнинг туб моҳияти ҳам ана шунда. У доҳийнинг юз йиллик тўйига муносиб тўёнадир.

Абдулла ШЕР.



Муродов қалин муқовали дафтарни очиб қўйиб, шақ-шуқ чўт қоқар. Қўлида қалам, чакагини ушлаб ўйларди: «Батраklar ер эгаси бўлди. Ўз еримда ўзим учун экин қилсам, деган орузусини ушатишга киришди. Аммо бирида битта ҳўкнзу бирида битта от, учинчисида бу ҳам йўқ...»

Газеталар айрим қишлоқларда баҳори экиш тамом бўлганини ёзипти. Қўшбулоқда энди ярим бўлди. Омоч, тиш, кетмон етишмайди, булар ҳозир шеркатда ҳам йўқ. Саводсизликни битириш мактабларини очишдан олдин Шароф домла чироқ, лампа мойни катта масала деб кўтарганда, бўлис, туман ижроқўми мажлисларида бу ҳақда гапириб, ҳатто ўзи пилик гамлашга киришганда, дуруст-дуруст раҳбарлар ҳам бемаҳал шовқин, деб ундан кулган, Хайруллиннинг ўзи ҳам унга шу гапни айтган эди. Кейин маълум бўлди: ҳамма нарса бору фақат пилик йўқлигидан анча мактабларда ўқини бошлаш чўзилган эди. Балки баҳори сочишни тугаллаган қишлоқ ва депара раҳбарлари тиш ва тиркиш гамини олдин егандирлар. Муродов шу эпизодлиги учун ўзини койирди.

Хонага Карим полвон кирди. У даштдан, баҳори экаётганлар олдидан келган эди.

— Далалар ясаняпти,— деди у.— Жон кирди далага, жон. Қўриб кўнгил ўсади.

«Унинг кўнгил ўсади доим. Туман ижроқўми мажлисидан кўнглим чўкиб қайтди... Экин матракасига тайёрлик ва баҳори сочишда судралаётганимизни, наҳот кўрмаса бу одам!...»

— Оптимистсиз, Карим тоға... Оптимист.

Карим унга безовта қаради:

— Тушунмадим. Жўнроқ қилиб айтинг. Эшитмаган эканман. Нима дегани бу?

— Доимо руҳингиз баланд,— деди Муродов унга қарамай.

Карим полвон кулиб юборди.

— Э, мундоғ денг. Бошқа бирон гапми деб ўйлабман. Оп... Оп... нима эди, тилим келишмади.— У кулгисини зўрға босиб давом этди:— Назаримда, одам боласини шу баланд руҳ, катта ният кўтариб юради. У жилса, одамнинг кўнгли хувиллаб қолса керак. Ман шундоғ деб ўйлайман: руҳим баланд бўлмаса, қувват кетиб, ғаним тагига тушиб қоладигандай сезаман ўзимни...

— Гап бунда эмас, полвон тоға. Бугун туман ижроқўмида мени чакана силкишмади.

— Суягингиз қирсилладими? Қирсиллаган бўлса, яхши, ўрнига тушади, руҳингиз кўтарилади.

— Батрак ва камбағални ерга жойлаштириш,— Муродов жиддий тус олди.— унга ер ўлчаб бериш билангина битмайди. Назаримда, сизни шу баланд руҳ андак алдалайди. Қўриниб турибдими, сизни силкииб, суякларингизни ўрнига тушириш керакка ўхшайди.

— Соя! Жуда соз бўлади. Хўш, қани...— у рўпарасидаги стулни олдига сурди, эгар қилиб миниб олди.— Саз бўлади. Мани сиз, ман сизни силкитаман.— У бир қўли билан стул суячигини ўзига тортиди, кифтини Муродовга ўнглади:— Яхши бўлади, Шароф домла Қобилин, у домлани силкитади. Тўрт коммунист бир-биримизни силкииб, бир-биримизни кифтлаб, оти нима эди? Оп... оп... Ҳа, ўша баланд руҳ билан олга интиламиз экин маъракаси йўлидаги говни йиқитишга. Биласизми, ман боягина шу баланд руҳ билан иккита қора мушукни чўчитдим. Кимлар денг-а? Носир бой билан Шайх. Яккақайрағоч йўлида бораётсам, иккаласи рўпарамдан чўкиб қолди. Иккаласи ҳам отлиқ, иккаласининг ҳам тагида хур-

ЧИРОҚ.



Романдан парча.

М. ГРОМИКУ расми.

жин. Дарров кулмираб, димоғи чоқлигини уларга кўрсатиб, отдан тушдим, йўл четига чиқиб, қўлимни кўксимга қўйиб, таъзим қилдим, хол-аҳвол сўрадим. Бой бош кўтармай, ҳеч ёққа қарамай, от йўрттирганча ўтиб кетди, бир нима деб тўнғилладик-ю англамадик. Аммо эшон дада билан нани оғиз қаймоқлашдик.

— Мана бу ёққа қаранг, далага жон киритяпти қулваччаларингиз... Даламай, хирмон кўтарадиган, кафсан улашадиган вақт келади. Буларга фотиҳа берсангиз бўларди, лирим, — дедим.

У қўлини очди, алланамалар деб пичирлади. Сезиб турибман: ичидан қиринди ўтпяти-ю, жилмайишга тиришади... Қани энди, ўзингиз ўйлаб кўринг-чи, баланд руҳ билан юрмай бўладими, шундоғ вақтда. Йўқ, бўлмайди, мирзам!

«Демак, ўрдасидан чиқибди, ўрмалабди, — деб ўйлади гапга қулоқ солиб, эшик олдига тўхтаб қолган Шароф домла. — Энди ўзини офтобга солади. Йўқ, у очикда ётолмайди ҳозир. Хўш, қайси кавакка кираркин?...»

— Қора мушук кўрган бўлсангиз, полвон, баланд руҳга хушёрликни қўшинг. Қаёққа кетди дедингиз?

— Бой қишлоқ тумон, шайх Сувбузганга йўл олди.

— Оқин ариқ қурса, деҳқон сув бўйлайди, назр-ниёз бормаса, эшон мурид овлайди, — деди Муродов полвон.

Карим полвон сергаклайди:

— Изига одам қўйилгани?

— Ҷўтмаслик керак. Қани, қаерга уя қуради, — деди Муродов ўйчан ҳолда. — Менинг фикр-ёдим экин-тинни маъракасани яхши ўтказиб олиш, бунда душман ташвиқотига озиқ қолдирмаслик. Етишмовчилик кўп. Ўртоқ Эргашев қарз шеркати орқали асбоб-ускуна ва уруғликдан ёрдам бермоқчи бўлди.

— У киши шу ердами? — сўради Шароф домла.

— Шу ерда, Вилоят маориф шўъбасининг мудирі ўртоқ Тожиев ҳам бирга. Мактабга чиқиб кетишди.

— Ниҳоят! — деб юборди Шароф домла.

— Тожиев сизни йўқлатган эди. Чиқасизми?

— Йўқ, ҳозир эмас.

— Ман бораё, — деди Карим полвон. Ўрнидан туриб бир қадам босган эди, эшик очилди, Эргашев олдига, Тожиев, Мирмаҳмуд кириб келишди. Полвон меҳмонларга пешвоз тургандай, қўл узатиб бориб сўрашди, стул кўрсатиб уларни ўтиришга таклиф қиларкан, одатича, гулди-роқ товуш билан:

— Қадамларингизга ҳасанот, марҳамат! — деди.

Тожиев Карим полвоннинг таърифини Наманганда эшитган, Саъдуллаевни болаб жунатганини гапириб берганларида кулган эди. Ҳозир кўзойнагини рўмолчаси билан артиб, бурнига қайта қистириб ниманидир ўйлар, лекин кўзини ундан ололмасди, полвоннинг қўзлари эса, бу нима қилади бизнинг орамизда дегандай, Мирмаҳмудга қадалган, орага жимлик чўккан эди.

Жимлики Эргашев бузди, улардан янги рўзгорларнинг кайфиятини, ишнинг бошини суриштирди. Муродов қисқа гапириб, ўз талабларини яна таскорлади, Эргашев тездан ёрдам кўрсатишга ваъда берди. Шароф домла дала айланиб юриб кўнгида тўнғилган режаларини гапириб берди. Эргашев билан Тожиев маъқуллади.

Карим полвон кулиб, гап қўшди:

— Домлани қишлоқ шўросига олдик энди... агар меҳмон қарши бўлмасалар...

— Биламан, менаш шу гапни қутяпсиз, полвон ака, — деди Тожиев. — Нимага гапни очмай ўтирибди, деясиз. Вилоят маориф шўъбаси туман маорифининг буйруғи-

ни бекор қилди. Мен шу масала билан келдим. Нимага, ўртоқ Солиҳов юқориқоқ лавозимга кўтарилган эди-ку? У лавозимга лойиқ кўрилмади Солиҳов, деб сўрагучилар борди ораларингизда. — У Мирмаҳмудга қаради. Бироқ унинг юзида ҳеч ўзгартиш кўрмади. У жим, бош эгиб ўтирарди. — Гап шунданки, ўртоқлар, биров ишдан бўшатилса, сабаби айбдорга айтилади, биров бошқа ишга кўчирилса, гарчи юқори лавозим бўлса ҳам, у кишининг хоҳиши сўраллади. Бироқ ўртоқ Солиҳов ўзининг бошқа ишга кўчганлигини билмай қолибди. Хўш, нимага? Жавоб йўқ. Туман маориф шўъбасининг раҳбарлари бу жавобга лол, бир-бирларига қарашди. Кейин тугунининг учи топилди: бу Саъдуллаевнинг иши экан...

— Найрангчи! — деб юборди Карим полвон.

— Балки шундайдир, — деди Тожиев сўзида давом этиб, — гўё ўртоқ Солиҳов унга розилик берган, ҳатто шахарда ишлашни орзу қилиб юрганлигини айтган. Маориф раҳбари унинг гапни тилла билиб буйруққа қўл қўйган...

Карим полвон пиқ этиб кулиб юборди. Тожиев унга қараб, жим қолди, у кулгисини ютиб сўради:

— Афсус... у кишини бирга олиб келмасанлар. Меҳмонимиз бўлардилар, гувоҳномаларига муҳр бостириб кетардилар...

— У киши ҳам улушини олди. Энди туман маорифида ишламайди. — У яна Мирмаҳмудга қаради: — Сиз, ўртоқ Мирсиддиқов, эътирозингиз йўқми?

Мирмаҳмуд ўрнидан турди. Ҳамма у норозилик билдиради: «Бу адолатсизлик!» дейдию чиқиб кетади, деб ўйлаган эди. Йўқ, ранг бўзариб, қўзлари пирпирамади, аксинча мулойим жилмайди, бу қарордан мамнуллигини, ўзи ҳам шундай бўлишни истаганлигини изҳор қилди:

— Устозинг раҳбарлигиндан баҳраманд бўлиб, у кишининг қўлида ишлаш мен учун катта бахт, — деди у. — У кишидан ўрганишга, ҳали қўп сабоқ олишга муҳтожлигимни тушунадим. Менинг хатоларимни кечирсалар бас.

Эргашев билан Тожиев бунни сидқидилдан қилинган «тавба» деб тушуниди, домла эса, танг ҳолатдан, иложсизликдан бир амаллаб чиқиб олиш, чап бериш йўли, деб билди. Бироқ бу фикрни ошкор қилмади. Карим полвон унга, қани, энди жойини бўшат, дегандай имо қилди. Мирмаҳмуд чиқиб кетди.

— Ялтоқликка ҳам шунчалик уста экан-а, бу палид, — деди бош чайқаб. — Ялтоқи чун кўнгилидан гапирмайди. Чаммада, шу иш чала бўлди. — У Тожиевга қаради: — унинг паттасини қўлга бериш, мактаб остонасига қайтиб қадам бостирмаслик керак эди...

— Паттасини қўлга туттириш осон гап, ўртоқ Солиҳов. — Эргашев унинг гапини кесди. — Қадрга, хусусан, мактаб-маориф соҳасининг қадрларига жуда эҳтиёт бўлишимиз лозим. Шунинг учун, биз ҳозир ўқимизда муаллимга жуда муҳтожмиз. Шунинг учун ўзимиз хуш кўрмайдигач кишиларни ҳам ишлатишга мажбур бўлиб турибмиз, полвон ака.

— Бу сўз тўғри, — деди Муродов. — Аммо менинг назаримда, Мирсиддиқовнинг тавбаси, болта тушгунча кунда дам олар қабилидан бўлди. Вошимиз ариза текшириш ва текширишдан чиқмай қолармикан.

— Нима, ариза ва шикоятлар безилладими? — Эргашев унга синовчан кулиб қаради.

— Гап бунда эмас, ўртоқ Эргашев, — жавоб қилди Муродов ўйчан ҳолда. — Саракдан пучакни ажратиб ташлагунча одам кўп изтироб чекади.

Эргашев кулиб юборди:

— Гап худди шунда, дўстим. Биз янги жамиятни мустаҳкамлаш учун курашиб, ичимиздаги душман билан олишяпмиз. Мирмаҳмуд сингарилар душман зотидан эмас. Аммо уларнинг қўлида қурол. Душман уларни бизга ўқ қилиб отади. Ҳозир уни ўзингизга оғдириб олмасангиз, кейин саракни пучакдан ажраттишингиз маҳол бўлар деб қўрқаман. Гапим полвон тоғата ёқмайпти, қарашидан сезиб турибман. Тўғри, сизларнинг устингиздан тушган ариза оз эмас. Шу аризаларга қараганда, бирингиз — «эски мулла, бойнинг собиқ божа-си», бирингиз — «ёт унсур зотидан», бирингиз — «бир фақир-бечора ер сўраб ариза кўтариб келганда «ҳайт-хуйтлаб» ҳайдагансиз». Шу ариза-шикоятларни ва энди тушадиганларини ҳам рост деб фараз қилдинг. Хўш, биласизми, нима қилиш керак сизларни: ишдан ҳайдаш, партиядан ўчириш. Бу ҳам кам, жавобгарлик тортиш керак. Умримиз етса, бемалол, хатарсиз ишлайдиган вақтлар ҳам келади, шунгача тоқат ҳам хушёрлик талаб қилинади коммунистан.

— Қизиқ, — деди Карим полвон. — Энди тушадиган аризалар ҳам менга аён денг? Авлиёмсиз?

— Авлиё эмасман, лекин биламан, полвон тоға. — Эргашев унга ўғирлиб олди. — Эсон бўлсангиз кўрасиз, ҳали устингиздан кўп ариза тушади. Улар ваҳмалга айблар тақинишга сизга. Фақат сиз синфий йўлдан қийшаймасангиз, бу йўлда маҳкам турсангиз бас. Олтин балчиқча ҳам тоза турари, рангини йўқотмайди. Коммунист шундоғ бўлиши кераки, текширувчилар микроскоп билан қараб ҳам ундан губор, майишган жой тополмасинлар. Ленин коммунистанд шундай бўлишни талаб қилган эди.

— Айбга буюрманг, ўртоқ Эргашев, саводсизроқман, — деди Карим полвон, — бир гап сўрасам майлими?

— Майли сўранг.

— Бир нарсага ақлим етмайди: илгариги замонда камбағал-батрак бойдан ўз ҳақини қистаса қалтак ерди. Арз қилиб бурса, пешанаси маҳкама эълмига дўқиллаб тегади. Улуғлар аясалар, мурувват қилсаларгина, гуррасини ушлаб уйига зўрга қайтарди. Ўртоқ Ленин китобларининг бирон жойига, ёт унсур ўша собиқ батрак устидан ариза кўтариб келса, пешанаси шўро идорасининг эшигига дўқиллаб тексин, у ҳам гуррасини ушлаб уйига зўрга етиб олсин, деб ёзиб қўймаганми?

Тожиев билан Шароф домла кулиб юборишди. Эргашев қистаб келган кулгисини зўрга босди.

— Йўқ, ўртоқ Ленин ундог деб ёзмаган. Аксинча, ўртоқ Ленин, ариза ва шикоятлар дарҳол текширилсин, ҳақиқат қилинсин, ариза ва шикоятларни текширишни пайсалга солган ҳодим, ким бўлса ҳам, дарҳол жавобгарликка тортилсин, деб ёзган. Нима учун ўртоқ Ленин биздан шунга талаб қилган? Шунинг учунки, ариза тез, чуқур, ҳолис текширилса, аризанинг чин-ёлгонлиги, аризачининг қилмиги ва мақсади ҳақиқат ойнасинда равшан кўринади. Агар унинг пешонасини гурра қилиб қайтарсангиз ёки ариза пайсалга солинса, ҳақиқат ойнасининг юзига ўзингиз губор қўйгирасиз, ёлгонни ростдан ажратиш қийнашадур, янғонинг афт-башарасини, уйсини олашадур дуруст кўролмай қолади. Шундоқми?

Карим полвон бошини қийшайтириб чақанин қашди.

— Шундоқ-ку-я, — деди қийла бўшашиб. — Тўғри айтдингиз: янғоний уяси... Башарасига тинч қараб туролмайман. Кўрсам, жиним кўзиди. Гоҳо «Хайт-хуйт!» деворанимни ўзим сезмай қоламан.

Энди Эргашев ҳам ўзини кулгидан тўхтатолмади.

Ҷаъфар ИФТИХОР,
эрон шоири.

Торнқ ЮСУФ АБДО,
араб шоири.

Болгадай мажақлар душман сўзини.
Йўқсуллар сўзларни ўйлаймиз бизлар,
Бу оддий ораулар чинкин рўёбга!
Қапитан қўлга кема жиливини
Тутқизган сўзларни ўйлаймиз бизлар.
Бу сўзлар —
Тўйларда майин оҳангдир,
Бинокор ишида —
Виринчи ҳамдам,
Энг оғир сафарда —
Содиқ биродар.
Бу сўзлар гўдақлар наздида — кўкда
Қанот қоқиб учган қаптарлар куйи.
Ҳар битта юракка қувонч бу сўзлар.
Агар уруш бўлса,
Унинг оловини
Учирар бу сўзлар.
Мабодо эшитса капиталистлар,
Уларга ваҳима солар бу сўзлар.

Ленин армуғони Буюк Ленинга

Баҳор келди — бир сўлим баҳор,
Қиш пойига сочилда гуллар.
Гўё меннинг уйимга саҳар —
Чоғи кириб келди бир дилбар.

Лаблариди ишқ табассуми,
Нигоҳида оруз ва тиллак,
Тиллариди наво русуми,
Йўлларида қулф урган чечак.

Кулгиси — дўст жонига малҳам,
Таронаси — ҳиммат ва маъад.
Орзуи — юрт бағрида кўклам,
Гулга тўлган бутун табият.

Бу гул фаслин таронасида
Куйланади тинчлик сафоси.
Ҳар юракнинг кошонасида
Саодатнинг янги дунёси.

Тинчлик деган декретга Ленин
Октябрда чекди-ю имзо
Эрк эшигин оғандай бутун
Жаҳон халқин айлади ризо.

Ленин бизга жилмайди мамнун,
Элга тинчлик айлаб армуғон,
Шундан буён эрқларвар инсон
Тинчлик учун фидо этар жон!

Мисрликман.
Сени танийман.
Отасин таниган ўғилдай.
Менинг илк сўзим
Елғиз сенга айтар сўзимдир!

Бахтимиз мунаввар,
Қилгудек кўз-кўз.
Бизларга лозиммас лопатгучи сўз,
Лозиммас иловдек жимжимадор сўз,
Хотинлар ёш тўкиб айтадиган сўз.
Лозиммас юпанчининг меҳрибонлиги,
Лозиммас пичоқдай ўткир, ялтироқ,
Дарахтлар шохида гул очолмаган
Совуқ қуз шамоли сингари сўзлар.
Бундайин сўзларга очилмас лабим,
Бундайин сўзларга лаънат дер қалбим!

Ўртоқлар отаси, бобомиз Ленин!
Олис мамлакатда неча йил аввал
Миллионлаб қўлларга тонг нури

бўлиб
Айтар сўзларингиз бу ерда бизнинг
Бутун борлигимиз, қон-қонимизга
Сингив бормоқда.
Бизларга зарурдир оташ сўзингиз.
Ишчилар манглайин терлатган каби
Сўзингиз туғилмиш меҳнат, заҳматда.
Бизларга зарурдир сўзингиз.
Бу сўз —

Мабодо уларни эшитса ишчи,
Ўт бўлиб ёнади нафаси.
Бу сўзлар —
Ошиқнинг маъшукасига
Айтилган ишқ сўзи.
Бу сўзлар —
Халқ учун ёв бўлганлардан
Олинган ўч нисол.
Бу сўзлар —
Қасосдан қўрқиб титраган
Зотларнинг бошига урилган ханжар.
Бу сўзлар —
Буйсунас буюклик, қудрат.

Биз берган саволга жавоб бўлгучини
Энг қатъий сўзларни ўйлаймиз бизлар.
Ҳеч қандай бозорда пулга сотилмас
Ҳаққоний сўзларни ўйлаймиз бизлар.
Биз фақат дўст учун,
Ишчилар,
Деҳқонлар учун
Айтилган сўзларни ўйлаймиз.

Декрет сатрлари...

РСФСР Халқ Комиссарлари Совети қарор қилади:
Тошкент шаҳрида Давлат университетни таъсис этилиши.

Халқ Комиссарлари Советининг
Раиси В. УЛЬЯНОВ (ЛЕНИН)

1920 йил 7 сентябрь.

Шарқда биринчи...

Домламиз Николай Александрович Димо бу тарихий декретнинг амалга оширилишида жонбозлик юрсатган профессорлардан бири. Янги университет ҳақидаги хушхабарни эшитиб, у эзида йўқ хурсанд эди. Хонанинг у ёғидан-бу ёғига юриб, мўйловини дам-бадам силаркан, «Туристонда олий мактаб... Бу аjoyиб иш! Ўртоқ Ленин йўлланмаси билан Тошкентга борадиган олимлар сафидан қолмайман. Тошкент менинг қадрдон

шаҳрим. Албатта бораман» дерди. У ўрнига келиб ўтирди. Ҳозиргида аjoyиб янгилигини етказган кишига — университет тузиш ташкилий комитетининг бошлиғи профессор М. Г. Александровга бу хушхабар учун қайта-қайта миннатдорлик билдирди.

Уша кун 1918 йилнинг 29 июни эди. Ташкилий комитетнинг йиғилишида бўлажак университетнинг факультетлари ҳақидаги масала кўрилди. Доҳиймиз Ленин аҳами-

ят берган бу ишнинг асл моҳиятига чуқур тушунган Н. А. Димо дастлабки кунларда ноҳ бу иш учун бутун ғайратини сарфлади. Университет ташкилотчиларидан бири бўлган М. А. Орлов бу ҳақда шундай эслади: «Мени узоқ вақт Димо узоқ чечма ўлкада лиги олий ўқув юрти — университет очиш ишига чақирибди. Энди у ерда ҳам ҳақиқий мутахассислар тайёрлашга имконият яратилди. Домламиз Урта Осиёнинг гўзал табияти, деҳқончилик ва тупроқ структурасини яхши билади. У 1908 йилдаёқ Сирдарё, Амударё, Хива ва Бухорога уюштирилган экспедицияларга бошчилик қилган. Ушанда у: «Бу ерларда инсоннинг сув ҳамкорлигида қилган меҳнати кум стихиясини батамом енгади, кўчма қумлар ўрнида, саҳро бағрида Амударёнинг ҳосилдор қирғоқларида обод воҳалар бунёд этилади» деб башорат қилган эди».

Ташкилий комитет аъзолари, граждандлар уруши туфайли шаҳарда очарчилик, қаттиқ совуқ бўлишига ва транспорт тўхтаб қолганлигига қарамай, ишни узлуксиз давом эттиришди. Уша кунларининг гувоҳи бўлган профессор И. А. Райнованинг айтишича, комитет ишини В. И. Ленин шахсан ўзи кузатиб турган. Бир йилда университетнинг схема структураси тўла шаклланди.

1919 йил 30 августда Туркистон университети тузувчиларининг умумий йиғилишида, унинг (Москвадаги) биринчи ректори этиб, профессор Н. А. Димо сайланади.

Н. А. Димо бошчилигида йирин мутахассислар тўплаш ва унинг асосий илмий-тажриба базаси — лаборатория, кабинет, кафедра ва кутубхонасини ташкил этиш тезлашди.

У муҳим масалаларни юқори давлат органлари, йирин мутахассислар ҳамкорлигида ҳал этар эди. Лозим бўлган вақтларда ректор сифатида, Шарқда биринчи йирин университет ташкил этиш масаласида В. И. Ленин билан ҳам учрашган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор С. А. Молчановнинг эсдалини дафтариди (бу эсдалини қўлзма шаклида университетнинг илмий кутубхонасида сақланмоқда), бундай дейилади: «Туристон давлат университети правленисининг мажлислари Москвада, Волханкадаги 11-уйда ўтарди. Профессор Н. А. Димо раислик қиларди.

Мазкур йиғилишларда университетни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган турли масалалар, янги ташкил этилаётган кафедра-ларга профессор ва ўқитувчилар қабул қилиш, жиҳозлар, адабиёт, ўқув қўлланмалари сотиб олиш, шунингдек, дарс планларини ва бошқа масалалар муҳомама қилинарди... Алоҳида аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилиш учун юқори органларга ва ҳатто В. И. Ленинга мурожаат қилишга тўғри келарди».

В. И. Ленин университетнинг тузилишига катта эътибор берган. Унинг составида энг йирин мутахассис олимларнинг бўлишини талаб этган. Ҳатто 1920 йил август ойда Москва атрофидаги дачаларнинг бирини дам олаётган вақтида университет ҳақидаги материалларни сўраб олиб, батафсил танишиб чиққан.

В. И. Ленин университет ҳақидаги материалларни жиждий ўрганиб, Туркистон университетига асос солинган ва унинг келажанда Урта Осиё олий таълим ривожига катта ҳисса қўша олишига ишонч ҳосил қилган. Николай Александрович бошчилигида Тур-

Ленин календари

Не кунларни бошидан
Кечирмади бу жаҳон.
Кўздан оққан ёшидан
Қиссаси ҳам бепоён.
Саргузаштин сўзласанг,
Оёққа турар замон.
Ииллар аро бўзласанг,
Фарёд чекар ҳар инсон.
Ҳар замонга ёр бўлган
Маслак, имон ҳамда дин.
Инсон қуддай букилган
Қўшини бўлган ҳазин.
Бўйинга солиб занжир,
Кишанлаган оёғин.
Фарёд солиб она ер
Қон қилган жигар-бағрин.
Уша дамини эсласам
Кўздан оқар аччиқ ёш.
Кунларини санасам
Қалбим беролмас бардош.
На Мусога ҳамрозмам,
На хешман Муҳаммадга.
На Исога дамсозман
Келиб мен ҳам ҳаётга.
Менинг ёрқин йўлим бор,
Бу йўл янги ва ойдин.
Маслак ҳамда диним бор,
Янги маслак, янги дин.
Дўстлик — менинг динимдир,
Озод меҳнат — маслагим.

Тинчлик — ойдин йўлимдир,
Тенглик — менинг маънабим.
Дехқонларга дўстману
Ҳокимларга душманман.
Ишчиларнинг сафида
Мен ҳам ишчи инсонман.
Менинг бу маслак, динга
Бордир ихлос, имоним.
Эътиқодим зўр унга
Токи бор таңда жоним.
Бошланди Инқилобдан
Янгидан бир календар.
Бахтдай нурли офтобдан
Олам бўлди мунаввар.
Ҳар бир ойнинг оти ҳам
Янгича ном олса гар,
Келинг уни шод-хуррам,
Ёдда тутайлик дўстлар:
Дўстлик, Тинчлик ва Сафо,
Озодлик, Бахт-Саодат.
Тенглик, Қардошлик, Вафо,
Ишқ, Меҳнат ва Фароғат.
Утган асрлар гами
Етганда поёнига,
Янги замон одами
Коммуна ошёнига
Қадим қўйиб мардона
Асримдан берар хабар.
Қизил байроқ ушанда
Порлар яна музаффар.
Келгуси авлод мамну
Боқар бизнинг асрга.
Жилмайиб турар Ленин
Шунда бахтли наслга.
Янги замон, янги кун
Инқилобдан тўғилди.
Янги маслак, янги онг
Бахт нурида йўғрилди.
Бахтли авлод гул терар
Дийрим баҳоридан.
Иил саногин ҳисоблар
Ленин календаридан.

АСР ДАҲОСИ, АСР ФАРЗАНДИ

Айри БАРБЮС:

«Ленин мен учун энг билимдон, энг барқарор шахслардан бири. Ҳақиқатан ҳам инсониятнинг асрий интилишини рўёбга чиқарган курашчилар орасида унга тенг келадигани йўқ. Мен бунга неча бор амин бўлганман, бу ҳақда такрор-такрор гапирганман. Лениннинг ўз ҳаётидан ажратиб бўлмайдиган таълим-тағдиди мени ҳайратга соладиган нарса — унинг идрок ва иродаси, инсон комедияси уммонида реалликини излаш, уни сўз ва хомхаёлдан ажрата билш қобилиятидир. У истиқболсиз изланишнинг боши берк кўчасида ўралашиб қолган замон фикрини ижодий яратувчанлик, жонли амалиёт йўлига олиб чиқди, унинг мазмунини инқилобий мантиқ, инқилобий ҳақиқат билан бойитди. У бундан буён буюк ўзгариш бўлишини — одатдаги афсона, хомхаёл ва орзулар урнини халқнинг жонли, реал ҳаёти эгаллаяётганини башорат қилди. Агар бу башорат ҳақиқатан ҳам янги, бугун кенг миқёси қамраб олган, аини пайтда, энгги бўлмайдиган қудратли кучга айланган экан, демак бу инсон тарих саҳнида мангу барқарор бўлибди. Ҳаққ кучини мана шу тарзда истиқболга йўналтирган бундай инсон олдидаги қарзни мақтов ёки ҳурмат билангина узиб бўлармиди!»

Мартин АНДЕРСЕН НЕКСЕ:

«Ленин фақат пролетариат гоёсини ташувчигина эмас, У бундан буюкроқ эди. У шу гоё билан сиғишиб кетган эди. Дунё тарихи биргина одамда ижтимоий синфнинг руҳий мазмуни, синфий ҳаракат мана шу даражада қамраб олинганлигини жуда ҳам кам кўрган. Бошидаги арзон кепка-ю, ўзини табиий-эркин тутта билишдан тортиб, то кўзларини маъволи қисиб кўйишигача Ленин куйма пролетар эди. Унинг фикрлари омманинг чексиз куюк, содда, барчага етиб бора оладиган гоёли фикрлари эди. Унинг юраги пролетариатнинг бутун инсониятни қамраб олувчи юраги билан бир оҳангда тепарди.»

Бернард ШОУ:

«Шу билан бахтиёрманки, бундан олти йил муқаддам инглиз матбуотининг Ленинга қилган туҳматни 1780 йилда Георг Вашингтонга қилingan туҳматдан ҳам ошиб тушган бир пайтда, Британия ҳукумати Ленин душманларини моддий жиҳатдан таъминлашга 100 миллион фунт стерлинг ажратган бир пайтда мен Ленинга совга қилган китобимдаги дастхатимда уни Европанинг улдуғ давлат арбоби сифатида табриклаган эдим. Мен бу билан Ленинга Англияда фақат буржуа матбуотининг телба қурбонларигина ва сиёсий қўрларигина ашамаслигини англатмоқчи эдим. Бироқ Россия билан почта алоқаси ҳаддан ташқари қийин, цензуранинг ғазаби қайнаган бундай бир пайтда бу китоб, гарчи рус миссияси орқали жўнатилган бўлса ҳам, белгиланган жойига етиб бормаган бўлса керак. Британия ҳукумати инглиз пролетариатни Ленин душманларини қўллаб-қувватлагани учун ҳукуматни қоралаётганини, пролетариат бундай антиленинизмнинг қатъий душмани эканини кўриб ҳайратга қолди. Имоним қомилки, Лондонда Георг Вашингтон ҳайкали ёнида Ленин ҳайкали ҳам қад кўтарадиган кун албатта келади. Яна шунини қўшимча қилишим мумкинки, мен инглиз жамоатчилигини олдида Ленин ҳақида фикр билдириш мавриди келганда ҳеч қачон фурсатни қўлдан бермаганман, у билан фахрланганимни яширмаганман.»

Генрих МАНН:

«Биз Лениннинг ҳаётида ўз гоёсига мислсиз садоқатини ва бу гоёга тўқинлик қилувчиларга қарши бениҳоят шафқатсизликини кўраимиз. Мана шу садоқат туғайли мен бу шафқатсизлик билан келишишга мажбурман. Лениннинг ўз шинини одамларнинг жонли талабларига мувофиқ ўзгартира олиш қобилияти буни аяча юмшатади. У инсонларни ўз шиндан кам севмаган; шунинг учун у ўз юзюдида буюк бўлган... Россияда қандай ҳолат юз беришига қарамай, Ленин ўз халқини бахтли қилди, шу сабабли унинг ўзи ҳам Германиядаги ҳар қандай арбобга қараганда бахтли эди.»



да Орғеев шаҳрида (Бессарабия) туғилиб, Кишинёвда урта маълумот олган. 1894 йилда Ново-Александрия (ҳозир Польшада) ўрмон ва қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирган. Унинг студентлик чоғларидаги илмий ишларини профессор Н. М. Сибирцев ўзининг дунёда биринчи тупроқшунослик фани дарслигига киритган.

Урта Осий республикаларининг тупроқ карталари биринчи марта ҳар хил масштабда Н. А. Димо раҳбарлигида тузилган. Бу карталар 1929 йили Вашингтонда бўлган Биринчи халқаро тупроқшунослар конгрессида намойиш қилинган.

У ўзининг 20 йиллик умрини Урта Осий территорияси бўйлаб ўтказилган кўп сонли илмий экспедиция текширишларига бағишлайди ва унинг натижаси сифатида Урта Осийга оид ўттизга яқин илмий асар яратди. Бу асарлар ҳозирги кунларда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Академик Н. А. Димо бутун умри давомида 200 дан ортиқ илмий асар ва турли республикаларнинг унга яқин тупроқ картасини яратишга улгурди. Партия ва Совет ҳукумати унинг хизматларини тақдирлаб, Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар билан мукофотлади. Фан оламининг заҳматнаши Н. А. Димо 1959 йилда Кишинёв шаҳрида 86 ёшида вафот этди.

Ленин мунофоти лауреати, академик Ҳабиб Абдуллаев бу машҳур олим ҳақида: «Биз профессор Н. А. Димони тупроқшунослик мантабининг асосчиси сифатида алоҳида ҳурмат билан эсга оламиз», деган эди.

С. ХОЛБОВЕВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети кутубхонаси директорининг ўринбосари.

кистон давлат университетини тузиш ҳозирлиги 1919 йилнинг иккинчи ярмига келиб ниҳоясига етди.

Ленин чет эл интервенцияси ва ички контрреволюцион кучлар Туркистонни Россиядан ажратиб қўйган эди.

Шунинг учун ҳам университет коллективи ва унинг жиҳозларини Тошкентга кўчириш 1920 йил апрелидан бошланди ва ноябрь ойигача давом этади. Университет санкиз ой давомида олти эшелонда 50 минг томлик кутубхона, 86 профессор ва ўқитувчи, илмий лабораториялар билан Тошкентга келтирилди.

Николай Александровичнинг ўзи Тошкентга охириги эшелонлардан бирида келади. Бу ерда унинг ташилотчилик фаолияти янада антивлашди. У университетнинг қишлоқ хўжалик факультети, тупроқшунослиги ва геоботаника илмий-тенгириш институтини ташкил этади, уларнинг инкалсига ҳам 1931 йилгача бошчилик қилади.

Н. А. Димо 1873 йил 30 ноябр-

СИЗНИНГЧА МАМЛАКАТИМИЗДА, ХУСУСАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЛЕНИН ИШИНИНГ ТАНТАНАСИ НИМАЛАРДА ТЎЛА ВА ЁРҚИН НАМОЁН БЎЛМОҚДА?

Берди КЕРБОБОВ,
ёзувчи, Социалистик Меҳнат Қахра-
мони.

Х аёtimизда Ленин ишининг тўлақон-
ли ифодасини, дохий башорат қил-
ганидек, мамлакатда меҳнат маж-
буриятдан эҳтиёжга айланиб бораётган-
да, у инсоннинг маънавий бойлиги
бўлиб бораётганида кўраяман. Бу
фақат Ленин ғояларининг тўла галабаси
туфайли амалга ошди.

Ильич даҳосининг энг ёрқин кўриниш-
ларидан бири — унинг миллий сийсати
деб ҳисоблайман. Бу сийбат кўзим унги-
да мўъжиза яратди — эллик йил ичида
камбағал ва саводсиз республикалари-
мизни иқтисодий ва маданий жиҳатдан
яқовда энг илгор мамлакатлар қатори-
га кўтарди.

М. А. ЕГОРОВ,
Совет Иттифоқи Қахрамони, Рейхстаг
устига Ғалаба байроғини тиккан жангчи.

Ў збекистонда бўлганимда улкан меҳ-
нат кўтаринчилигини, шаҳар ва
қишлоқларда маданият гуллаб яш-
наётганини кўрдим. Ҳаммасидан ҳам,
кишиларнинг ўз ишига завқ-шавқ билан
ёндашгани, жамятимиз бойлигини яна
ҳам кўпайтириш учун курашаётгани ақ-
қол кўзга ташланади.

Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги бў-
лакча. Бу ўзбекистонликларнинг қар-
дошларига нисбатан улкан меҳр-мухаб-
батлари туфайлидир. Мен мамлакатим-
зининг турли жойларида бўлганман, у
ерларда ҳам худди шунки: совет киши-
ларининг буюк дўстлигига барча совет
миллатларининг бирдамлигини кўрган-
ман.

Вальтер УЛЬБРИХТ,
Германия Социалистик Бирлашган партия-
си Марказий Комитетининг Биринчи
Секретари, ГДР Давлат кенгашининг
Раиси.

Л енин ғоялари инсонга ҳақиқатан
ҳам инсон бўлиш ҳуқуқини берди.
Дохий раҳбарлигидаги социалис-
тик революция ёрдамида инсон ўзини
исканжалаб ётган таҳдир ва эксплуатация
кишанларини улоқтириб ташлади.
Ҳозирги кунда ленинизмнинг буюклиги
ва чуқурлиги, аввало, социалистик жа-
мият кишининг қиёфасида, унинг ку-
чида, ижодида, шахсининг эркинлигида,
кишиларнинг социалистик муносабатла-
рида, миллатларнинг қардошларча дўс-
лигида намоён бўлмоқда.

Г. К. ЖУКОВ,
Совет Иттифоқи Маршали, тўрт марта
Совет Иттифоқи Қахрамони.

Л енин ишининг тантанасини мен кў-
йндагиларда кўрмоқдаман:

Ярим асрдан кўпроқ вақт ичида
эришаётган ажойиб зафарларимизда.

Ҳамма зафарларнинг асоси — озод
республикаларнинг бузилмас иттифоқи-
да. Улуғ Октябрь қилинида қуйилган,
Ленин ҳамда Коммунистлар партияси
томонидан оғир синов йилларида тоб-
ланган совет кишиларининг пўлатдек
қалбидаги беғиёс ҳисларда.

Тинчлик, социализм, тараққиётнинг
ипончли қалқони — Совет Армиясининг
енгилмас кучида.

Кўп миллатли Ватанимиздаги ҳамма
халқларнинг бахти ва ёрқин ҳаётида,
шунингдек, Ленин партияси раҳбарлиги-
да ўз республикасини улкан индустрия,
юқори даражадаги қишлоқ хўжалиги, юк-
сак маданият, гуллаб-яшнаётган ўлкага
айлантирган ўзбек халқининг шижоатида.

Бунинг ҳаммасини яқунлаб шундай
дейишим мумкин: Ленин ишининг танта-
наси — унинг енгилмаслигидадир, ленин-
ча ғояларнинг ўлмаслигидадир.

Юмжагийн ЦЕДЕНБАЛ,
Мўғулистон халқ-революцион партияси
Марказий Комитетининг Биринчи Секре-
тари, МХР Министрлар Советининг
Раиси.

Л енин иши — социализм ва комму-
низм ишидир. У Совет Иттифоқи-
да ва бошқа қардош республика-
ларда реал ҳақиқатга айланди. У ин-
сон заковати ва қалбининг эрки учун
бўлаётган умумжаҳон курашида янги
ғалабаларга эришмоқда. Ленин ғояла-
рининг тантанаси Совет Иттифоқи меҳ-
наткашларининг кундалик ишларида,
хусусан, биродарлари билан бирга ком-
мунизмнинг улкан биносини қўтараётган
ўзбек халқининг бугунги кунда ёрқин
ва тўлиқ акс этади.

Олим ХУҶАЕВ,
СССР халқ артисти.

М енинг фикримча, Ленин ишининг
тантанаси ҳаётимизнинг такомли
ва мустаҳкамланишида кўринади.
Тарихнинг ва халқ ҳаётининг фожиали
йилларига назар ташлаб бу хислатларни
аниқ ва равшан сезиш мумкин.

Улуғ Ватан уруши йилларида «Прав-
да»нинг 1942 йил 31 октябрь сониде
босилган, халқимизнинг ўзбек жангчи-
ларига ёзган хатиде бу масала жууда
яқин ёритилган. Мана шу хатдан са-
трлар:

«Сенинг аканг бўлган руснинг уйига,

қардошинг бўлган белорус ва украин-
нинг уйига фашист каллакесарлари бо-
сиб кирдики, у сариқ вабонинг келтир-
гани: дор ва қамчи, очлик ва ўлим, ҳа-
қорат ва қирғиндир. Ленин руснинг
уйи — сенинг уйинг, украин ва белорус-
нинг уйи — сенинг уйингдир! Чунки
СССР шундай бир иттифоқ оиладирки,
бу оиланинг ҳар бир аъзоси ўз хонаси-
да турса ҳам, ҳовли ва қўра, тирикчи-
лик ва рўзгор жиҳатидан шерикдир...

Ахир сенинг кўчанг Белоруссиядан
бошланади, украиннинг уйи — сенинг
маҳаллангиде...

Ҳозир, шу кунларда эса Ўзбекистон
пойтахтида Украина уй қурмоқда, Бело-
руссия қурган янги кўчалар бор, Россия
ва бошқа қардош республикалар қурган
кварталлар анча-мунча.

Бу фақат бизда, Совет Иттифоқида,
социалистик мамлакатлар лагерида
амалга ошиши мумкин. Қасбим тақозоси
билан, мен минбар орқали ҳам, мабуот
саҳифаларида ҳам маданиятларимизнинг
хамкорлиги ҳақида, театрларимизнинг
ўзаро муносабати, тажриба алмашуви
ҳақида кўп эслатиб ўтганман. Биз доимо
шу жараённинг янгиликларини сезиб ту-
ришимиз, уларда санъат соҳасида ленин-
ча миллий сийсатининг тантанасини кўри-
шимиз зарур.

М. М. ШТРАУХ,
СССР халқ артисти.

Л енинизм тантанасини эксплуататор
синфлар тугатилган, инсон инсон-
га дўст ва биродар саналган мам-
лакатимиз — Совет Социалистик Респуб-
ликалар Иттифоқининг тараққиётида, ленин-
ча миллий сийсатининг ғалабасида кў-
раман. Совет ҳокимияти даврида илгор
индустрия, механизациялашган йирик
қишлоқ хўжалиги республикасига айлан-
ган, Шарқда ёрқин машъал саналган
Ўзбекистон ССРнинг тисмолида бу тана-
тана айниқса яққол гавдаланади.

Ю. И. ФЕДОРОВ,
2-ранг капитани, «Аврора» крейсери
командири.

Ч ор ҳокимиятининг бир бурчи бўл-
ган Туркистон асрлар давомида
қолоқликка маҳкум этилган эди.
Ленинча миллий сийсатининг тантанаси
натijasида ҳозир Ўрта Осиё республика-
лари, хусусан, Ўзбекистон тараққиёт
ўлкасига айланди. Совет ҳокимияти
Ўрта Осиё меҳнаткашларига эрк берди,
иқтисод, илм-фан, маданиятнинг ҳамма
соҳаларига юксалиш киритди.

Дохий ғоялари ифодасини ҳар жиҳат-
дан тенг ҳуқуқли республикалар, ҳамма
миллат ва халқлар дўстлиги ипининг
узилмаслигида кўрмоқдаман.

БИРИНЧИ САЁХАТИМ

Ленин район, Ленин кўчасидаги В. И. Ленин номидаги мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиси Меҳриги Кимсановнинг ишоси.

Ватанимиз пойтахти Москва шаҳрига боришни кўпда бери орзу қилар эдим. Мен бу орзумга яқинда эришдим. Мактабимиздан эллик олти нафар аълочи ўқувчи директориимиз Акмал Иромов раҳбарлигида Россия томонга йўл олдим. Вокзалга ота-оналаримиз нузатгали чиқдилар. Қувончли дамлар, сафар олдида қалбимиз тўлқинланади. Мана поезд ҳам жилди. Йўлда кетар эканмиз, анжонлар манзараларни кўрдик. Қозоғистоннинг чексиз чўллари Орол денгизининг зангор уфқлари, қалин ўрмонлар, ҳаммаси бизга қувонч бахш этар эди...

Икки кечаю икки кундуз йўл юриб, Куйбишев шаҳрига кеч оқшомда етиб келдик. Вокзалдан тўғри меҳмонхонага йўл олдик. Биз меҳмонхонанинг бешинчи қаватида жойлашдик. Мен турадиган хона деразасидан азм Волга дарёси яқин оёғига ташланар эди. Нақадар буюн дарё!

Эртаси кунни нонуштадан сўнг шаҳарни томоша қилганимиз чиқдик. Волга бўйлаб катерда уч соат сузиб, соҳилларни томоша қилдик. Қирғоқдаги манзаралар бизга жуда ҳам ёқди. Дарёнинг чап қирғоғи қалин ўрмонзор, ўнг томонида эса қадимги рус қишлоқлари, чўмилиш учун ажратилган қумлоқ жойлар, ҳар турдаги қайиқлар. Узоқ-узоқларда эса, кўм-кўи дарахтлар орасидан кўп қаватли, чиройли бинолар кўзга ташланар эди.

Дарё бўйлаб сайр қилганимиздан сўнг, шаҳарнинг қизил майдонидан ўтиб, доҳийимиз В. И. Ленин музейига, яъни Ульяновлар оиласи яшаган уйга келдик. Бу уйда Ленин ва унинг синглиси Мария Ильинична уч йил яшаган эканлар. Экскурсовод бизга Лениннинг ёшлик йиллари тўғрисида қисқача гапириб берганидан сўнг, уй жиҳозлари билан бизни таништира бошлади: биринчи хонада Лениннинг гимназияда ўқиб юрган вақтларида унга берилган фахрий ёрлиқлар; 1883 йилда тўртинчи синфни аъло тамомлагани учун олган Шаҳодатнома варақаси, 1887 йилда гимназияни муваффақиятли битиргани учун олган Олтин медали.

Иккинчи хона Володянинг ётоқхонаси экан. Бу хонага битта крават, стол, стул, тумбочка, нитоб жавони қўйилган. Стол устида лампа ва китоблар турибди. Хонадаги анжомларни кўрарканмиз, «Наҳотки шу биз кўраётган нарсалар ҳақиқатан ҳам Ленинники-а!» деб ўйлардим.

Учинчи хона эса зал ҳисобланган — ҳамма оила аъзолари эрталабни нонуштада ва кечки овқат пайтида шу ерга тўпланишар экан. Бу залда катта стол, бир неча стул, пианино ва Лениннинг онаси кўчишганда ҳам ўзи билан олиб юрадиган катта тувандаги гул турар эди. Бу хоналар оддийгина жиҳозланган бўлса ҳам, бизда катта таассурот қолдирди.

Жонажон Москвага йўл олдим. Буюн сеvimли шаҳар! Ватанимиз пойтахти.

Биз «Спутник» деган ётоқхонанинг олтинчи қаватида жойлашдик. Эртаси куниниё Қизил майдонга бордик. У ерда экскурсовод бизга Кремль ҳақида, Ленин мавзолеи ва бошқалар тўғрисида гапириб берди. У ерда биз эсдалик учун суратга ҳам тушдик. Шундан кейин махсус автобусга ўтириб, шаҳар бўйлаб сайрга жўнадик.

Шаҳар билан танишар эканмиз баланд-баланд чиройли бинолар, кўм-кўм хиёбонлар, улуг рус ёзувчиларига қўйилган ҳайналлар ақлимизни шоширарди. Айниқса Ломоносов номида Москва Давлат университетининг ўттиз икки қаватли сало батли биносига қойил қолдик. Бинонинг энг юқорисида беш қиррали улкан юлдуз офтобда чарақлаб, кўзларни қамаштирар эди. Мен бу университет ҳақида кўп эшитганман. Унда ўқишни орзу қиламан. Мана, рўпарасида турибман. Қанийди, келажакда мана шу илм кошонасига ўқишга кира олсам.

Университетнинг икки ёнига тушган бинолар бир-биригиз жуда ўхшаркан. Барининг олди чиройли гулзор.

Метрода юрар эканмиз, ер ости қасрларига жуда ҳавасимиз келиб, Ташкентда ҳам метро тезроқ ишга туширилишини хошлаб қолдик.

Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйдим. Бутуниттифо Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига бордик. «Космос павильонида ўзимизни космонавтлар орасида юргандек ҳис қилдик. Ўзбекистон ва бир неча қардош республикалар павильонларини айландик.

Иккинчи кунни эрталаб, соат тўртларда В. И. Ленин мавзолеи — энг муътабар зиёратгоҳ томонга йўл олдим. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда хотирадан сира ўчмайдиган дамлар Мавзолейга яқинлашар эканмиз, этларим жимирлаб кетди. Аста кириб бордик. Мен Ленинни соч-соқоли қора деб ўйлар эдим. Лекин унинг соч-соқоли сариқ, бўйи ҳам унчалик баланд эмас экан. Мавзолейдан чиққанда бир-биримизга савол назари билан қарардим: «Ростдан ҳам Ленинни кўрдими-а?»

Ун кунлик саёхатимиз, бизда бир умр эсдан чиқмас таассурот қолдирди. Биз бир оз чарчаган бўлсан-да, сафардан руҳимиз тетик, шод қайтдик.

И. ЗВАРСКИЙ фотоси.


Л Е Н И Н қадамжойлари

Ҳар йили совет кишилари ва жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган неча минглаб меҳмонлар халқлар доҳийси Ленин яшаган, ишлаган жойларни зиёрат қиладилар. Шулар қатори Ўзбекистон меҳнаткашларининг вакиллари ҳам Владимир Ильич қадамжойларини чуқур ҳурмат-эҳтиром билан бориб кўрадилар. Ушбу фоторепортажда ана шу буюк ҳурмат акс эттирилган.



КУЙБИШЕВ. Самарада В. И. Ленин яшаган уй.

Улуғ доҳийга миннатдор ўзбек халқидан.



Разливда В. И. Ленин ясаган чайлага бугун шу хябондан борилади.
Моссовет биноси ёнида.

И. ЗВАРСКИЙ фотолари.



АСРИМИЗНИНГ БУЮК САНАСИ

Доҳийнинг 100 йиллигини бутун прогрессив инсоният байрам қиломқода. Буюк инсоннинг ҳаёти, орзу ва ғоялари илгор кишилик турмушининг мазмуни бўлиб қолди. Бу байрамнинг фазилиги шундаки, у ҳар бир инсонни ҳаёт ва замон ҳақида, меҳнат ва масъулият, орзу ва эhtiқод ҳақида ўйлатади. Мухбиримиз байрам кунини ҳар хил ёшбаси, ҳар хил касбдаги одамлар билан учрашиб, уларнинг шу кунги йиллари, ташвиши ва қувончлари ҳақида суҳбатлади. Қуйида шу қисқа суҳбатлардан баъзиларини босамиз.

Маҳкам ҚОСИМОВ, 1919 йилдан КПСС аъзоси:

— Владимир Ильич Ленин мени катта сийсат оламига олиб чиқди, десам бўлади. Чунки мен оламдан беҳабар йўқсил бир етим эдим. Ленин қақирғи билан революцион халқ дўрунасига аъзо бўлиб кирдим у мамлакатнинг катта сийсий ишларига қатнаша бошладим. Бир кунини штаб бошлиғимиз:

— Ленин қақирғига жавобан йигитлар Қизил Армияга кўнгилли бўлиб ёзилмоқда. Қани, биздан ким ёзилади?— деб қолди.

— Мен!— дедим.

Инқилобий фаолиятини шундан бошлашни кетди. Ҳаётимдаги бу бурилишга улуг Ленин сабаб бўлган эди.

САОДАТ — олти ёшар қиз.

Боқчада оқ фартук тутган «навбатчи санитар»га дуч келдик.

— Отинг нима?

— Саодат.

— Неча ёшга кирдинг?

— Олтига.

— Ленин бободай бўлишни истайсанми?

— Ҳа.

— Бунинг учун нима қиласан?

— Юзга қираман.

Раҳим АҲМЕДОВ — Ўзбекистон халқ расоми:

— Мен шу буюк тарихий кунда ҳам ўз профессионал ўйларим билан бандман. Тасвирий санъатда Ленин образини яратиш битмас-туганмас илҳомбахш ишдир. Бордию доҳий портретини яратишга журъбат эганимда, мен қуйидагиларга эътибор қилардим.

М. Горький Ленинни биринчи марта кўрганидан кейин бундай деб ёзиб қўлди:

«Ленинин бундай деб ўйламаган эдим... Умуман, қандайдир ўта содда экан...»

Г. М. Кржижановский ҳам аввал тахминан шу фикрни айтди:

«Одний картуз кийганида унинг ўртачароқ гавдаси айниқса ипчи қораталарида сира кўзга ташланмас эди. Қорачадан келган ёқимли юзи жиндак Шарқ кишиларининг юзига ўхшаб кетарди...»

Кржижановский давом этди, яна бундай дейди: «Аммо Владимир Ильичнинг кўзига, бу ажойиб, ўткир, қандайдир қўл-ғайрат қақнаб турган қорамтир кўзларга тикилиб қарасангиз, унинг шунчаки оддий одамлардан эмаслигига дарров ишонч ҳосил қиласиз».

А. В. Луначарский ҳам шунини қувват-

лайди: «Жиддий, ҳаяжонли пайтларида унинг юзи ажойиб, кенг манглайи ёришиб, кўзларида нислсиз ақл, чуқур фикрлар қақмоғи йилтилар эди. Ақлнинг зўр бериб ишлаётганини акс эттирувчи кўзлар жуда гўзал бўлади! Шу билан бирга, юзида энгилмас бир қудрат акс этиб туради».

Ленин ўзи ҳам Плеханов ҳақида гапирганда «Ақлнинг жисмоний кучи» деган иборани ишлатгани маълум. «Баъзи одамларга қараб, жисмоний кучли экан деймиз. Плехановнинг эса ақли шундай. Юзига қарасангиз ақлнинг кучи, ҳамма тўсиқларини енгиб ўтиши, ҳамма нарсани салмоқлаб кўраётганлиги, ундан ҳеч нарсани яшириб бўлмадлиги билиниб туради. Бу кучнинг худди жисмоний куч сингари объектив равишда мавжуд эканлигини сезиб тураман киши».

В. И. Лениннинг ўзи ҳам атрофидагиларга худди мана шундай таассурот қолдирар эди. Доҳий киефасида мана шу кучни ифодалаш — расомларнинг орзусидир.

Т. АКРАМОВ — бульдозерчи:

— Менинг бугунги ўйларим энг қувончли, ҳаяжонли ўйлар. Чунки бу тарихий кунга мен жуда шарафли меҳнат совғаси билан келдим. Виз В. И. Ленин Марказий музейнинг Тошкентдаги филиалини қуриб топширдик. Бу кутлуғ даргоҳнинг дастлабки экспонатларидан бири «Ленинча меҳнат вахтасининг ҳурмат дафтари»дир. Сизга фахр билан айтаманки, ўша дафтарда менинг ҳам номим бор.

Гулсум ОТАБОЕВА — уй бекаси:

— Бизнинг оиламиз жуда катта. 7 фарзандимиз, яна шунча келин-куёвимиз, 22 неварамиз, тагин 3 та чеварамиз ҳам бор. Бугун катта байрам бўлгани учун ҳамма-си бирга тўпланмоқчи бўлишган. Дошқорзонда ош қиламиз, биз кексалар ўтган умримизни ёдлаймиз, жам бўлиб расмга тушамиз. Буларнинг барига тайёрланиш керак, иш боши ўзимман. Шунинг учун бугун ташвишим ҳам, ҳаяжонларим ҳам бениҳоя...

Файзраҳмон МАҚСУДОВ — республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи:

— Қирқ йил биринчи синф болаларини ўқитдим. Жакжи-жакжи болалар, ҳар йили тўлқин-тўлқин бўлиб оқиб келишаверади. Мактабга биринчи келган кунини ҳаммаларининг чеҳралари бир хил гулгун, ҳаяжонли бўлади. Аммо уларнинг ҳар бири бир дунё эканлиги менгагина маълум. Вазифамни билман: бу ушқоқ қалбларнинг барига келгуси граждандликнинг руҳини биринчи дарсда оқиб сингдира бошлаш керак. Шунда менга улуг Ленин номи ёрдам берарди, биринчи дарсдаёқ Ленин ҳақида суҳбатлашишни одат қилганман, чунки бу номни ҳамма болалар билади, кўксимдаги Ленин ордени ҳақида сўрашди, дарров тил топиб кетамиз.

Ҳозир пенсиядаман. Лекин ўша қирқта биринчи дарсим, ундаги лоладек чеҳралар доим кўз ўнгимда. Бугунги ўйларим шулар ҳақида...



ЛЕНИНЧИ ОЛИМ

Бизнинг даврда энциклопедист олим бўлиш нодир заковати айрим одамларгагина мўяссар бўлади, чунки ҳозир йилнинг ҳар соҳаси бутун бир умрин талаб этади. Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзийнинг фанининг турли соҳаларидаги нонг фаолияти ноб ҳодисадир. Математика, тарих, лингвистика, археология, адабиёт, ахлоқ, педагогика ва бошқа кўп соҳаларда Қори-Ниёзий ва шоғирдларининг фаолияти республика-мизда бутун бир даврни ташкил қилади.

Қори-Ниёзий Совет ҳокимиятининг илк йилларидан то ҳозиргача ўз ақл-заковати ва зўр ташкилотчилик фаолиятини эл-юрт учун сарфлади. Урта мактабнинг оддий ўқитувчилигидан олий ўнвур юртлари профессори даражасига кўтарилиди.

Тошмуҳаммад Ниёзович Йигирма ёшида Фарғона областида биринчи ўзбек совет мактаби очди. У тузган мактаб ва ўқитувчилар нурслари заминида Қўзонда педагогика техникуми ташкил топди.

Урта Осий Давлат университетининг физика-математика факультетини 1930 йилда ташкиллаган эди, ўшандан то 1933 йилгача шу университетда ректор бўлиб ишлади. Унга 1931 йилда ўзбеклардан биринчи бўлиб профессор унвони, 1939 йилда эса, физика-математика фанлари доктори илмий даражаси берилди. У 1946 йилдан буён Тошкент ирригация ва ишлаш ҳўжалигини механизациялаш инженерлари институтини олий математика кафедрасининг мудирини бўлиб ишлаб келди.

Қори-Ниёзий улкан аллома, биринчи ўзбек совет мактабининг асосчиси, олий мактабизнинг биринчи профессори, республика академиясининг биринчи президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига мушарраф бўлган ажойиб санофшумиз эди. Биз уни ҳаммаша иш устида кўрардим. Уйда кўпинча китоблар дунёсига гарч бўлган, ёхуд столида, тафаккур оламида кезаётган ҳолатда учратардим. Эрталаб уни институтда — ўзи раҳбарлик қилаётган кафедраларда ёки Фанлар академиясида учратсан, тўшда ўзи муҳаррир бўлган «Фан ва турмуш» журналин редакциясида, «Гулистон» редколлегияси мажлисида, нечуқрун бирор маҳаллада кўпчилик ўртасида қизгин суҳбат қилаётганини кўриб қолардим. У тиниб-тинчимас сергайрат одам эди.

Қори-Ниёзий жуда бой фанний ва маданий мерос қолдирди. Шоғирдлари эса сон-саноксидир. Олимнинг ўзбек, рус ва бошқа чет тилларда чиққан 300 га яқин илмий асари бор. Қори ақанинг СССР Давлат мунофотига сазовор бўлган «Ўлугбекнинг астрономи мактаби» асари чет элларда ҳам машҳурдир.


Академик Қори-Ниёзий Шарқда Ленин ғояларининг оташин тарғиботчиси, ўзи эса шу ғояларнинг тантанасини намойиш қилдиган ёрқин сиймо эди. Унинг бутун ҳаёти чинаман кураш билан ўтди. У ҳақиқий инқилоб фарзанди эди. Унинг нуруний сиймоси хотирамизда ҳаммаша сақланади.

О. СОДИҚОВ,

Ўзбекистон «Фанлар академиясининг президенти».

УЛЬЯНОВСК — ЛЕНИН ВАТАНИ.

Т. БАКМАН фотолари.





К. БАШАРОВ. Ҳокимият Советларга!

ИЛЬИЧ ТАХАЛЛУСЛАРИ

1907 йилнинг декабрь ойи. Нуово оро-
лига немас геологи профессор Мюллер
келди. Хутор эгаси фин Сванте Бергман
Германиядан ташриф буюрган бу еқимтой
жаноб билан танишувдан гоят шод эди.
Оролда оҳар қатлами бор эди, геологининг
унга бўлган қизиқиши мезонда ҳеч қан-
дай шубҳа уйғотмади, албатта. Ун йил ўт-
гандан кейингина ўша профессор Мюллер-
нинг Ленин эканлигини билган хутор эга-
сининг ҳайратини сўз билан ифодалаш
қийин.

Чех социал-демократи Франтишек Мод-
рачек билан ҳам худди шундай воқеа со-
дир бўлган. У Мейер фамилияли ёш рус
инқилобчиси ҳақиқатан ҳам Ленин эканли-
гини билгунча орадан ўн етти йил ўтди.

Мюллер ва Мейер — булар Владимир
Ильичнинг фақатгина яқши тахаллуси. Ас-
лида В. И. Лениннинг юзга яқин тахаллус,
лақаб ва махфий фамилиялари бор эди.

Бутун дунёдаги миллионларча кишилар
«Ленин» деган сўзининг тахаллус эканлиги-
ни гоҳо унутиб, гоҳо билмай, аммо меҳр би-
лан тилга оладилар. Маълумки, «Ленин»
сўзи Лена дарёси номидан олинган. Вла-
димир Ильич биринчи марта уни 1901 йил-
нинг январидан Мюнхендан Г. В. Плеханов-
га ёзган хатида қўллади. 1902 йилдан
бошлаб эса бу ном Владимир Ильичнинг
асосий тахаллуси бўлиб қолди. 1902 йил-
нинг мартда «Нима қилмоқ керак?» кито-
би ҳам шу ном билан чиқди.

Тўқсонинчи йилларда Владимир Ильич
«ез-тез «Ҷарил» деб имзо чекарди. Муҳо-
жирликнинг биринчи йилида эса Парижда
у «Ильин» фамилияси билан яшади. 1901
йил октябрь ойининг бошларида В. И. Ле-
нин биринчи марта «Фрей» сўзини ишлат-
ди. У ўзининг мақола ва хатларининг та-
гига қўпинча «Вильям Фрей», «В. Фрей»,
«Фрей», шунингдек, қисқартрилган хол-
да «В. Фр», «Ф.» деб имзо чекарди. 1907
йилда ҳам Владимир Ильич Стокгольмда-
ги Швеция қироли кутубхонасига Фрей но-
ми билан қатнади.

Ленин айни пайтда Владимир Ильич
бошча тахаллусларини ҳам қўллаган. Доҳий
1895 йилдаёқ Швейцарияга биринчи марта
келган пайтда «Петров» тахаллусини ол-

ди. Бу номни биз кўпроқ партиявий иш-
ларга доир ёзишмаларда учратамиз. Шун-
дан олти йил кейин Мюнхенга Софийдан
Иордановлар оиласи келиб жойлашди. Бу-
лар Владимир Ильич ва Надежда Констан-
тиновна эди. Бу пайтгача В. И. Ленин ша-
ҳарда ёлғиз ўзи Мейер фамилияси билан
яширин яшар эди. Булғор социал-демо-
кратлари уларга расмий ҳужжат тўғри-
лаб беришди. «Эру хотин Иордановлар»
Мюнхенда 1902 йил апрелигача истиқомат
қилдилар ва сўнгра Лондонга келишди.
Мана энди Британия музейида янги ки-
тобхон — ҳуқуқ доктори Якоб Рихтер пай-
до бўлди.

Йиллар ўтди, шаҳарлар ва мамлакат-
лар, истиқомат манзиллари ўзгарди, янги
тахаллуслар пайдо бўлди. Владимир Ильич
Финляндиядаги «Ваза» дачасида «Иван
Иванич» номи билан яширин яшади. У
1912—1913 йиллардаги баъзи бир ишла-
рига «Карпов» тахаллусини «Кар-ов»,
«К-ов», «К-в» шаклида қисқартирган хол-
да имзо чекарди. Унинг 1912—1914 йил-
лар давомида «Правда»да 280 дан зиёд
мақоласи эълон қилинган эди. Улардан
баъзилари «Мирянин», «Силин», «Карич»,
«Статистик», «Китобхон» имзоси билан
чиққан. Буларнинг ҳаммаси Владимир
Ильичнинг адабий тахаллуслари. Инки йил
ўтгач, Ленин Инесса Фёдоровна Арманда
ўзининг уруш ва революция ҳақидаги қар-
ашларини баён қилувчи бир неча хатини
«Базиль» имзоси билан ёзади.

Буларнинг ҳаммаси ҳақида яқинда «Лен-
издат» нашриёти иккинчи қайта нашр эт-
ган И. Н. Вольнернинг «В. И. Лениннинг
тахаллуслари» деган китобида батафсил
ҳикоя қилинган.

Ҳа, Ленин тахаллусларининг ҳар бири
соясида улуг доҳий ҳаётининг бир саҳифа-
си туради. Ильичнинг янги асарлари то-
пилмоқда, шу сабабли янгидан-янги тахал-
луслар ҳам маълум бўлмоқда. Ленин та-
халлусларини билиш ўз навбатида унинг
мақола ва ҳужжатларини аниқлашда ёрдам
беради. Чунки Владимир Ильичга тегишли
бўлган мингга яқин асар ва ҳужжатлар
ҳанузгача топилгани йўқ.

М. ТИЛИПМАН.

ҚУТЛУҒ КУНГА АТАДИК

Ҳозир ҳар ким доҳий тугилган
кунга бирор совга-салом билан ке-
лишни ўйлапти. Бизнинг ҳам муно-
сиб тўёнамиз бор. Бу тўёна—қават-
қават кошоналаримиздир.

Мен Тошкентдаги 17-қурилиш
бошқармасида дурадгорлар бригада-
сига бошчилик қиламан. Бултур Тош-
кент области ва шаҳар партия коми-
тетларининг маъмурий биноларини
қуришга киришган эдик. Яқинда ол-
ти қаватли бу бино шахримиз кўрни-
га кўрк қўшади.

Ҳозир республика граждон-ҳаво
флоти бошқармасининг маъмурий би-
носини қураямиз. Камол Сайфутди-
нов, Эргаш Исмоилов, Ахис Аҳмедов,
Виктор Кашаевга ўхшаган дурадгор-

лар қўлидан чиқаётган уйларида одам-
лар яйраб яшамоқдалар.

Мен меҳнатдан обрў топган бир
меъмор сифатида фахрланаман. Бах-
тимиз учун, тақдиримиз учун, исти-
қоблимиз учун курашган суякли до-
ҳий Лениндан беҳад миннатдорман.
Ўзим ота-онандан ёш етим қолдим.
Бироқ хўрлик кўрмадим, Ленин за-
монида ўсдим, улғайдим. Обрў-эйти-
бор, қадр-қиммат топдим. Шу сабаб-
дан ҳам қад кўтараётган хушсураат
биноларимизни муборак кунга бахши-
да қиламиз.

Ҳамид ҚОРАБОЕВ,
республикада хизмат кўрсат-
ган буюкор. Социалистик
Меҳнат Қаҳрамони.

Марказий Ленин Музейининг Тошкент филиали.
Г. ГРАФКИН фотоси.

БАҲОР.

Э. ПЕНСОН фотоси.

кта билан таъминла-
плани тасдиқлансин,
олади: а) Самарқанд
500 минг десятина
0 минг десятина ерда
асосий иншоотлар
и Учқўрғон чўлидаги
жойда 20 минг десяти-
надан ширин тартибга
ш фойдаланиш ишини
десятина ерди пахта
эфион дарбидоғи Ду-
п; г) Чу дарёси водий-
ини лозим бўлган ир-
млаш.
лган ишлар учун 1918
и бошқармасига давлат
:ўм пул чиқарилсин...»
э маблағ акротиш тўг-
еккан тарихий декрет-

иб, одатича уфица қаради.
ларч томон бузариб қолган
лоҳида тунайдиған товуқлар

теча нималар бўлди-ю бугун
га борди, биринчи секретарь
Кечни пайт Полвонтош адир-
йил бир юрб-бир туриб иш-
лан кучоқлашиб хайрлашди.
ди.
сафарғидай номандировнага
гади...

Кўларидоғи уйку сидири-
йўқ. Ахир, ним ўзи тугилиб
олади? Тўғри, уни ҳеч ним
ан марҳаматликлар ёмонлик
фатидга кўп ишга, кўп одам-
омли колхоз борлигини рес-
дажонов чиқдию, бу колхоз-
ъзан бутун бир юрт битта
!

мас ғайрати туфайли нима-
ан бригаданинг ўзи катта
бригада бошлиғи раисдан
кўлга кетмон олиб гўза су-
лиши ғайри табий бўлиб

экс-механизациялашган бри-
чи-бригадир! Бу қанақаси?
и мениб юр! Азалдан шуна-

охирлаганда билди. Бошқа
неч кузгача тиним билмай
ички ҳисса кам ҳақ олиш-
ақа бўлди?

ди. У ишлаган бригаданинг
бўларди, гўза қаторларини
ивация қилишни ёқтирарди,
лганда... уу-ф! — Мамажонни
ҳонаю, юз туман ҳийла иш-
асди. Бундай неларда Ма-
ақбиси неларди. Бироқ, бир
ёқ, дардини ичига ютарди.
га олишни ўйлаб қоларди.
бирданига ниш кўрсатади,
изациялашган бригадалар ту-

Рустам РАҲМОН

ЖОН
АСИ

зилаётгани ҳақида шов-шув бўлиб қолди. Нима бўлди-ю, район раҳ-
барларидан бири дала бошига келди. Мамажон ундан бу янгиликнинг
сир-асрорини суриштириб билди. Аммо ўзининг бу ишга раъйи бор-
лигини яширди.

Бир неча кундан кейин уни райоимга қақирдиши.

— Тажриба учун колхозларингизда комплекс-механизациялашган
бригада тузмоқчимиз,— деди секретарь.

Мамажон ҳайрон:

— Нега энди бизнинг колхозда тузиларкан?

— Чунки,— изоҳлади райком секретари,— колхозларингизда одам
кучи кам, комплекс-механизациялашган бригада айниқса сизларники-
ден хўжаликларда ўзини кўрсата олади.

— Ундай бўлса раисни қақирмасдан нега мени қақирдинглар?

— Чунки шу бригадага бошчилиги қилиш учун сизни тавсия қил-
сан деб турибмиз. Раисингиз рози. Бунинг ҳам сабаби бор: комплекс-
механизациялашган бригадада бригадирнинг ўзи асосий куч бўлади.
Ўзи эниб, ўзи ишлайдиған, ҳосилини машинада ўзи териб оладиган
киши бўлиши лозим. Энди тушунгандирсиз?

— Тушундим,— деди Мамажон дадиллиги билан.

Мана ўшанга ҳам анча йил бўлибди. Бу ўй унга ўша дамларда-
ги ғайратини эслатди ми ё тоғ оқариб Мирзачўл тарадудини ёдига
туширди ми — ҳаэ қалай, кўрпани некин қайириб, ўрнидан турди.
Ен-веридоғи болалари отанинг ташвишидан, отанинг ўйларидан беҳа-
бар, пишиллаб, беозор ухлаб ётишарди. Мамажон бир зум уларга
тикилиб турди, наникулга чиққунларича уларни ташлаб нетишини,
орада соғинч борлигини ўйлади чамаси, хўрсинди.

Юингач бир нарсасини йўқотган кимсадай, кўрғон ичиде у ёқ-
дан-бу ёққа мақсадсиз юра бошлади. Бошқа нуни бундай қилмасди.
Урнидан туриб ювинарди-да, нари-бери оватланиб, қадрдон даласига
жўнарди. Бу нарса шуначалар одат тусига кириб қолган эдики, гўё у
эрталаб дала йўлидан бошқа йўлни унутган эди.

Ҳозир ҳам икки бор кўча дарвозаси томон бурилди. Кўринмас
бир ип уни дала сари тортарди. Кеча бригададагилар билан хайр-
хўшлашиб келган. Тагин борадиган бўлса, бировлар «ҳа-а, Мирзачўлга
боргиси йўқ экан-да, даласидан нетомай юрибди» деб ўйлаши мумкин.

Унинг ҳаваси — шунчаки кўнгилихуши эмас эди. Бу — терим ма-
шинасини эл суюдиган техника дарамасига кўтаришда конструктор-
ларга ёрдам бериш ҳаваси ҳам эди. Унга бу ҳавасини Тошкентда бўл-
ган йигилишларнинг бирида конструкторлар сингдирган эдилар. На-
воий номидаги театр майдонига қўйилган яп янги агрегатни жуда кўр
механизатор йиғит-қиз ўраб туришарди. Ҳамма бу машинани мақтар,
аввалгиларидан афзаллигини айтарди. Мамажон эса ҳозирча индама,
агрегатнинг ўзи чўлгана қисмларини синчилаб кўрар, гоҳ бошини
иргаб маънулар, гоҳ пешанасини тириштириб кўрарди. Томошабинлар
ни бир четда кузатиб турган конструктор Мамажоннинг хатти-ҳара-
катидан техниканинг ичан-чавагини ёриб кўрган жарроҳ эканлигини
қилмади. Чунки Мамажон агрегатни кўр-кўрона томоша килмас, иш-
латиб юрган терим машинасидаги тез бузиладиган, тез ишдан чиқади-
ган қисмларни бунисида тузатишганми-йўқчилигини синчковланиб
кузатарди.

Шу пайт конструктор яқин келди-да, Мамажоннинг елкасига қў-
лини қўйди:

— Қалай ёқдими?

Мамажон нотаниш кишига тикилиб туриб:

— Тузуқ,— деди.

— Мен конструкторман,— деб ўзини танитди кўз ойнакли ки-
ши.— Янглишмасам, Мамажон Дадажоновсиз.

Мамажон тортинчоқлардан эмас. Дарров қовушиб нетди. У терим
агрегатининг камчиликларини кўрсатиб, конструкторлар бюросига
хат ёзгач эди. Шунини сўради.

— Хатингиз бизга кўл келди. Мана бу агрегатни тайёрлашда
ундан фойдаландим. Сиз агрегат қисмларини гидравлик усул билан
мойлашни таклиф қилган экансиз. Бунинг қилди. Бунинг ҳам катта-
лаштирдим. Лекин ундаги пахтани ишдан тўхтатганда ҳолда автома-
тик тарзда шиббалайдиган қисмини ҳали ўрнатолганимиз йўқ. Ҳозир
шунга уринялмиш...

Мамажоннинг қувончини кўрсангиз! Конструкторлар унинг —
оддий бир механизаторнинг фикри билан ҳисоблашиб ишласаю, қу-
вонмай буларганими?! Уз кучига ишончи орди... Шу топда Мамажон-
нинг кўрағидами, кифтидами — алланима дуркиллаб нетди. Назари-
да, унда қанот пайдо бўлдию, шу топда бемалол парвез эта оладиган-
дай сездди ўзини. Шу ҳиссиёт асосида кўпдан бери кўнглига туғиб
юрган ўйини айтишга жазм қилди:

— Шу машинангизни синашга бермайсизми менга?

— Маслаҳатлашиб кўраимиз. Ўзингиз биласиз, бу ишни битта
ўзим ҳал қилолмайман.

Мамажон шу сўз учун ҳам шукр қилди, чунки мойиллик, мулоқ
йимлик билан айтилган бу гап унда оламжаҳон умид уйғотди.

Кўп ўтмай, Мамажоннинг янши тилгаи ушалди: Ленин райониде-
ги Ильич номи колхозга яп-янги, ҳали номсиз терим машинаси келди.

Уҳ-ў, ўша нуни идора олдига тўпланган одамни кўрсангиз!
Мамажон агрегат рулида. Баҳайбат терим машинаси салмоқлиани
далага бурилди. Шу бурилгани ҳамон кузгача пахтазор бағридан чиқ-
мади. Бир боришда тўрт қатордаги пахтани бунерга жойлайдиган бу
машина терган пахтани тўқнадида атрофдагилар ёқа ушлашди:

— Епирай, худди Фарҳод-а!

Шу ерда турган конструктор номсиз машинага ном қўйган кол-
хозчининг қўлини қисди. Кечкурун Тошкентга телефон қилди. Икки
кун ўтмай агрегатнинг номи ёзилган темир тахтачани машина бун-
керига михлашди: ТўРТ ҚАТОРЛИ «ФАРҲОД» ТЕРИМ МАШИНАСИ.

«Фарҳод»нинг биринчи нусхасида Мамажон ўша йили тўрт юз
тоннадан ошириб пахта терди. Ҳозир агрегатнинг шериклари кўпай-
ган. Улар «Ўзбекистон» номи билан чиқариляпти.

... Мамажон ўз агрегатини қолдириб нетайтганини эслаб, тагин
алланечук бўлиб нетди. У беҳитёр кўча дарвозасидан чиқди.

Бир маҳал ўзини дала бошида кўрди. Гўзалар Мамажоннинг кўз-

ларини ўтдек қамаштирди. Қўзларга ўт бўлиб кўринган ёш ниҳоллар деҳқон бигитнинг юрагида олов бўлиб ёнди.

Қадрдон далалар, азия гўзалар! Сизнинг ишқингиз уни тонг сарҳада ҳузурингизга етаклаб келди. У сиз билан тирик, сизнинг мафтунингиз. Маана у сизни деб — қадрдон далалар, сизни деб — азия гўзалар! — Мирзачулга йўл олаётин!

Мирзачул — кўндан бери Мамажонни ўтх қелинчақдай ўз оғушига илларди. У ҳар сафар Мирзачулдан ўтганда вагон деразалари ёнида туриб, узон-узонларга тикилар, ҳавёан ўзини чўлиқуварлар сафида кўрарди. Бироқ бу ўй-фикрини амалга оширишни орқага сарф, «яна бир хирмон олай, сўнг борама!» дер эди.

Кеча райком секретари билан шу ҳусусда гаплашди. Секретарь доғдорг пахтакорни ўз раёнидан кетказиши келмас-да, ноилжоз рози бўлди. Чунки Мирзачул ҳам ўзимизники! Бундан уч-тўрт йил аввал Маннон Жалоловни Марказий Фарғонага узатишган эди, бугун яна бир азаматни жўнайтишпти. Бу гал — Мирзачулга!

II.

Совхоз марказининг шарҳидан бошланган яхлит майдонга Мамажонни бригадир қилиб тайинлашди.

У дала бошига келганида шудгор сарғайиб ётарди. Нимадан бошласа экан ишни?..

Бир юз элик гектар чамаси ерга қарайдиган, ундаги гўза ниҳолларини омон-эсон ундириб, парваришлайдиган кўзли деҳқон йўзи эди ҳисоб Тўғри, битта универсалка, икки-учта ёш-яланг бор. Ўзи деб... Оё! Жуда оз. Бу ўй уни республика меҳнаткашларига мурожаат қилишга ундади. Тошентга борди. Таниш журналист кўмағида мурожаатнома ёзиб, газеталарга топширди. Унда ўзининг Мирзачулга қайси ният билан келгани айтилиб, ёшларни янги ерга бериб ишлашга қаҳирган жўчини сўзлар ёзилган эди.

Мамажон совхозга қайтиб, «борига-баракка» деб, шериклари билан экинни сўғуришга ҳозирлик кўрди. Этаги аранг кўрнанадиган участканинг ҳар юз-юз элли метридан кўндалангига бризент қувурлар торти.

Кўрмаган одамнинг тасаввур қилиши қийин: янги совхозларга сув оддий ариқлардан эмас, ердан бир метр чамаси баландда айри бетон устунларига ўрнатилган бетон новларда оқиб келади. Уни лоток дейишади. Лотоклар бош план асосида карталаштирилган яхлит-яхлит ерларни оралаб ўтган. Гўзаларга сув очиниши ҳам ўз йўриги бор: новга кекирдансимон йўгон қувур-сифон ташланади, оқим суриб кетмаслиги учун нов четларига махсус мосламада маҳкамланади. Сифон охирини эгалтарга кўндаланг тортилган брезент қувурга уланади. Сўнг гидрон деб аталган жўмрак орқали сув пастга тортиб олинади... Бу иш ҳам анча-мунча малака, билим талаб қилади. Дастлаб Мамажон бир оз қайинди: «Бу даҳмазани қачон ўрганаман? Марҳаматда осон эди, ариқ нишабини оцсанг бас, сув ўзи раван кетаверарди...» Аввалгига қўли келмади. Иккинчи, учинчи сифонни ўрнатганда дили бир оз ёришди: «хайрият, унхаса — ўрганса бўларкан...»

Эртаси тонгда экинга сув очинди. Биринчи сифоннинг жўмраги очилганда сув варарлаб, брезент қувурни ичак сингари шишириб, пайкалга оқди. Аввал биринчи, иккинчи, учинчи «қўзча»лардан сув томчилди. Дам ўтмай брезент қувурнинг ён-ёери қорамтир тўз олди. Мамажон қувонди. Мирзачулдаги ҳаёти, маана, бошланди!

Чигит пўстлоғидан қалпоқ қийиб, тупроқ орасидан энди бош-воқланган нимжон, заъфарон гўза ниҳоллари деҳқоннинг дилини фарздан кўрган отадай яшатиб юборди. Мамажон бирин-бирин унинг чиқатган гўзаларга меҳр, ҳаяжон билан боқарди.

Сувчилардан бири ҳалласлаб келди.

— Мамажон ана! Жа чатоқ бўляпти-ку! Эгалтарга сув юрляпти!

— Нега?

— Ерга кириб кеталпти.

«Био бўлганидан бери экин битмаган, сув кўрмаган бу ерларни каламуш-сичқон илма-тешик қилиб юборган-да!». Уни сувга тўйдираман деб, тўйилмасан гўрга эди... — у брезент қувурлар ёнига бориб, ҳайрон қолди. Эрталаб оқизилган сув тушда ҳам беш-олти қадамдан нари ўтмади. Бу аҳволда нариги қувурга ўн беш кунда ҳам сув етмайди! Унганча мурған гўзалар жазирамада қовибариб, шамол зарбидан сўлиб кетиши аниқ. Бунинг иломини қилиш керак!

— Сув ўйиб кетган жоғга чим боссан-чи! — деди ёшларга маслаҳат солиб. «Дарвоқе, бу атрофда чимни қаердан топамиз... Бунча чуқур-ўрага чим етказиш ҳам ўнғаймас». — Ҳозирча сув ўйган ўраларни лойлаб бораверинглар. Йўлни топамиз.

Тарам-тарам бўлиб, кўзни қувонтирган гўзалар қўйш тафтидан сўлиб, тошбақалар тиши захридан ўлиб турибди, чўл шамоли эса тинимсиз эсиб, ердаги бор намини ҳам ҳавога учирляпти. Мамажонни хавотирга солаётган нарса табиатнинг бу инижқинлигинга эмас, у бунча қийинчиликларни энди кўраётгани йў. У доим «машаққат ҳамма ерда бор, уни енгса бўлади», деб юрарди. Уни ташвишлантаравтган бошқа ўйи бор: яхши сувчилар, уста механизаторлар керак. Уларни бу атрофдан толиб бўлармикин?

Газеталарда унинг мурожаати босилиб чиқди. Марказий Комитет Мамажоннинг ташаббусини маъқуллади. Ҳамма ердан одамлар йўналиш ҳақида хабарлар келиб турибди. Лекин улар етиб келгунча анча вақт ўтши мумкин. «Андижонга бормасам бўлмайди шекилли. Обиомга учраб, яхши сувчилардан ёрдамга сўраб келишим керак», деди у йўлаб-ўйлаб.

Андижонда уни яхши кўтиб олишди. Табриқлашди. Мирзачулга борган кунлари унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган фахрли унвон берилгани тўғрисида фармон чиққан эди.

— Қанча сувчи керак? Бешта бўлса кифоя қилар? — деб сўради обном секретари.

— Йўғ-е, — деди Мамажон ҳайратланиб. — Шунча йўл босиб келсам-у, бештагина сувчи берасизми? Агар ўзимизгина ўйлаганимда бу ерга келмасдим. Бешта одамни Мирзачулдан ҳам топардим. Совхозимизга сўраб келдим. Камида юз икки керак!

— Эҳ-ҳа, иштаханг баланд-ку? — кўлди секретарь.

— Иложимиз йўқлигидан келдим...

— Айтганларинг чин бўлса, ростдан ҳам аҳволларинг чатоқ экан, — деди секретарь раҳмиди оҳангда. — Майли, иломини қиламиз. Ахир, Мирзачул ўзимизники-ку!

Икки кундан кейин Мирзачул станциясига юздан ортиқ сувчи кетмони билан тушди. Мамажон уларни тўғри «Андижон» совхозига олиб келди. Ҳамма бригадаларга биттадан-иккитадан тақсимланди. Аммо ўз бригадасига сувчи етмади. Хайрият, у Андижонга кетганида ҳар ёқдан унинг бригадасини ҳавас қилиб, бир нечта азамат йигит келиб қўшилибди. Уларнинг қўлидан ҳар иш келар экан: сувчилари ҳам, механизаторлик ҳам...

Мамажон бир ташвишдан қўтилса, иккинчиси кўндаланг бўлаверди. Афтидан Мирзачул уни ўз чигириндан ўтказмоқчи бўларди, у эса табиатнинг ҳамма синовларини бирин-бирин енгиб борарди.

Не-не машаққат билан сув ичган гўзалар кунлар исий бошлагач, қўнраш ўрнига ерга кириб кетаётгандай туюларди. Унинг ташвишини кўриб, совхоз директори кўлди:

— Мен ҳам дастлаб сиздангиз ваҳимага тушганман. Бу жойларнинг гўзаси шонадан кейин ўнгланади, унганча ер тишлаб тураверади.

Мамажон бу гапдан қийла ўзига келган бўлса-да, кўнглининг аллақерда хавотир ариймай турарди.

Сал кундан кейин далалар мисдай қизиб кетди, гўё Мирзачул улкан бир қозону ундаги одамлар шу қозонда қоврилиш керакдай. Ҳали-ҳали эсласа, кўлди. Уша энжарасида иссиқ кунларда Тошкентдан таниш мухбир йўқлаб келди. Мамажон уни кўриб хурсанд бўлди, лекин мухбир хурсанд эмас эди. У терга ботган, ивиб кетган рўмолчаси билан семиз юзини, йўгон буйинини дамба-дам артар, гоҳ нов бўйига чиқар, гоҳ шийпонга кирар, ҳеч жойда ером топмасди, Бир маҳал гараж ёнидаги душга ўзини урди. Дам ўтмай тепадан шариллаб сув тўкилиди, шу заҳотиёғ душхонанинг эшиги тарақлаб очилиб, мухбир қочиб чиқди. Ошпаз билан Мамажон ичгаи узилгудай бўлиб кўлишарди.

— Сув иссиқ дасангиз бўлмайдими? Куйиб қолдим! — дерди мухбир нуҳоби ортиб.

Кўни билан бақда турган сув қайнаб қолган экан...

Кўндузлари чўл иссиғига аранг чиқадан одам кечкурунлари яна бир офатга дуч келади. Кўйш ботиб, қоронги туша бошлагач, чўлда аллақандай димиққан гувор эшитилади, сон-санокисз чинивлар атрофини қуршаб, олам кўзга қоронги кўринади. Икки қўл чивин қўришдан бўшамай қолади. Бу — бир кун ё икки кун эмас, ёз ичи давом этади.

Ниҳоят, терим паласи етиб келди. Мамажон учун энг қайноқ дамлар эди бу. «17-ХВ-18» маршали агрегатини пахтазорга олиб кирди. Уша незларда унинг бригадасига Франция, Америка, Япония, Корея, Цейлон ва бошқа мамлакатлардан меҳмонлар келиб, Мамажоннинг ишлари билан танишиб кетларди. Цейлон бош министри келганида Мамажон агрегат устид эди. Унинг етти кундан бери терган бир ўз йигирма олти тонна пахтаси дала четларидеа тепа-тепа бўлиб уйилиб ётарди. Бўни кўринган мартабали меҳмон Мамажонни гапга тутди:

— Бунинг ҳаммасини ўзингиз тердингизми?

— Ҳа.

— ... Қани айтинг-чи, биз ҳам маана шундай пахтазорлар барпо қилиб, сизлардек юқори ҳосил олиш учун нима қилсан бўлади?

Мамажон одоб сақлаб, ён-веридаги мутахассисларимизга қаради, улар мартабали меҳмонни кўзатиб келган эдилар. «Голоднострой» бошқармасининг бошлиғи жавоб қилди:

— Менимча, ишни суддан бошлаш керак.

III.

Қаҳрамон йигит Мирзачулда биринчи йил хирмон кўтарди. Совхоз директори Жунусбеков далани топшираётганида «ун уч центнердан ҳосил берсангиз дўпини осмонга иргитаверасиз» деган эди. Мамажонлар 21,4 центнердан пахта янгиштириб олишди. Йигирма икки кунда ўзи 256 тонна пахта терди.

Лекин унинг кўнгли тўлмади. Чунки ўша олтимиш олтинчи йили Мамажон янглик қилиб қолди. Мирзачул шароитини кўлам биллолмади. Аммо бир йилда анча таъриб тўлаб, «саводи» чиқди: Мирзачулнинг кўриқ ерлари юз мингдан ортиқ кўчати боқоқмас экан.

Келаси йилда эгат ва кўчат оралгини 60×30 сантиметр ўрнига 90×20 сантиметрдан қўйди. Чигитни эса доналаб ташлайдиган севлянда эқди. Натанжа кутганидай бўлди, ҳосилдорлик кўтарилди.

Мамажон Дадажон «Андижон» совхозига пахта етиштирибгина қолмай, совхозни обод қилиш, кўндалангортатиришда ҳам озмунча тер тўмади. Бригада территориясидаги новлар атрофига эзилган 6,5 минг туп мевали, 13 минг туп манзарали дарахт кўчатларини жуда эҳтиётлаб кўнкартирди. Икки йил ўтмай, шийпон атрофларидаги олма, шафтоли, ўрик, гилос, бодом кўчатлари баҳор незларида гўжум-гўжум гуллади.

Маана энди ўша кўчатлар дарахт бўлиб улғайди, ҳар йили нузда мўл-кўл мева узилляпти. Бу — Мамажон Дадажондан «Андижон» совхоз ишчиларига ёдгорлик бўлиб қолди. Дарвоқе, ишчан, кўзли бу деҳқон йигити Мирзачулнинг янги бир манзилда — Ленин номи совхозда ишлаяпти. Совхоз директори ҳозир у.

Олтимиш санкизинчи йилнинг нузда Мамажон бу ерга тўрт икки билан — шофёр, икки тракторчи, кенса боргон Ашурмат ота Мадумаров билан келган эди. Дастлаб улар гилдиралик тахта уйчаларда яшашди. Баҳорга қадар тўрт минг бир юз гектар ерни ҳайдаб қўйишди. Янги совхоз тўзрилиб, унга Мамажон Дадажоннинг директор бўлганида йигитлар, уста деҳқонлар кела бошладилар. Улар бир-бирларини танимас эдилар, аммо тез орада қоралдан бўлиб кетишди. Уларни бир буюк мақсад — Мирзачулни бўстон қилиш нияти ахил қилиб қўйган эди.

Сирдарё области.

Тошкентнинг Биринчи Марказ ҳақсидаги чиройли бинода мўътабар бир аёл истиқомат қилади. Уни Ўзбекистонда кўпчилик танийди, иззатини ўрнига қўяди. Аянинг эшикларига кунда бир неча марта хабарчи келиб кетади: унга Иттифоқимизнинг турли гўшаларидан ёзадилар, табриқлайдилар, илтимос қиладилар, дастхатларини сўрайдилар...

Ая ҳозир салкам тўқсонда. У киши Ленинни кўрган, юзма-юз, кўзма-кўз ўтириб гаплашган, дохийдан йўл-йўриқ олган, бирга суратга тушган.

Мен ҳам энгил ҳаяжон билан Ая ҳузурига кириб бордим. Суҳбатлашиб ўтириб-миз-у, Аянинг ёшлик латофатини йўқотмаган мулоим чехрасига, жиндай кексалик нуқси урган чуқур, ҳаёлчан кўзларига боқаман. Тўраҳон ая Иброҳимова эса, олисдан, жуда олисдан гап бошлайдилар...

АЖАБ ЭРМАС...

Эски Қўқон. Бир-бирига мингаштириб солинган лойшувоқ уйлар. Чорсигина, қашшоқчина, лекин ўта покиза бир ҳовли. Тун. «Гоҳ мушук бўлиб миёвлайдиган, гоҳи бари бўлиб увлайдиган» нотавон киши.

Ичарида, торгина ҳужрада оёқларини иссиқ сандалга тиқиб уч-тўрт хотин-халаж

ўтирибди. Тоқчада қора чироқ тутайди. Аёллар кўсак чувишади. Ҳеч қайси гапирмайди. Гаплари адо бўлган. Бошлар ҳам, қўллар ўз-ўзидан хом кўсакни ёриб пахтасини сугуради.

Ушрўйгина аёл қаддини ростлади:
— Вой-ей, белларим узилиб кетай деди! — У чўзиб уф тортдию, ҳасрат қилди, — ўладиган бўлдим. Илоё, замонига ўт кетсин!..

Тўраҳон уни юпатди:
— Ўт кетади, Ўлмасой, сабр қил, албатта ўт кетади.

— Сен қаёқдан биласан?
— Биладан.

Ўлмасой унга ажабиниб қараб қўйди-ю:
— Айтганинг келсин, — деди негадир паст овозда.

Эшик тақиллади, Ўлмас ҳовлига чиқди:
— Ки-им?

— Мен, Ясовул бувангизман, — деди эшик ортидаги одам. Ясовул бува Галча қишлоғидаги Мўминбойнинг хизматкори. У аёлларга кўсак билан пул обкелибди.

— Манави ҳалиги йигирма қопнинг пули экан, — деди чол сандалга икки сўм ташлаб. Эллик пуд кўсакка икки сўм! Бир хотин бойни чапараста қилвб қарғади...

Қўқоннинг бир-бирига ўхшаш, гариб, шовқинли тонги отди.

— Дарчани очиб қўй, — деди Тўраҳон, — одамнинг кўзи ачиб кетди.

Ўлмас қора чироқни пуфлаб учирди-ю, кафтдай дарчани очди. Хужрага илиқ ҳаво кирди. Ортидан — паст пардада, бироқ изтироб билан айтилаётган қўшиқнинг садоси келди:

Бу кунлар бошимизда бир саҳоб ўлса ажаб эрмас,
Мунаввар зимнида бир офтоб ўлса ажаб эрмас,
Бу давлат сув юзида бир ҳубоб ўлса ажаб эрмас,
Кўринса сурату асли ниқоб ўлса ажаб эрмас,
Очилса пардалар юздин ҳижоб ўлса ажаб эрмас...

Тўраҳон қўшиққа бирпас қулоқ тутиб турди, кейин салмоқлаб деди:

— Муқаррардир замона инқилоб ўлса ажаб эрмас...

ЯККАТУТДА ЭЪЛОН

1918 йил. Қўқонда инқилоб тантана қилди. Бирдан слам кенгайиб, ёришиб кетгандай бўлди. Ҳамма ёқ тўс-тўполон, галафур, ҳамма ёқда митинг, мажлис, сафар-

СИЙНАДАГИ ХАЗИНА



ЛЕНИНСКИЕ ГОРКИ. Владимир Ильич Горкида вафот этганида уни Москвага олиб кетгани нелган Советлар II съездининг ваниллари орасида туристонлик Тўраҳон Иброҳимова ҳам бор эди.

СУРАТДА: Ваниллар Ленин тобути ёнида, Тўраҳон Иброҳимова олдинги қаторда, чапдан иккинчи турибди.

(Бу сурат Тўраҳон ая Иброҳимованинг шахсий архивидан олинди, у республика-миз матбуотида биринчи марта эълон қилинмоқда).



Тўрақон ая ИБРОХИМОВА.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.

барлик. Бутун шаҳар аҳли кўчага кўчиб чиққан. Биров «ақчадан лангар чўп ушлаб» ҳамон راستа-раста базозлик қилади, биров «большавой»ларга ошқора чапак чалади, биров зимдан «мухториятга» омад тилайди, яна биров беқасам тўн билан чуст дўппини ечиб, қизил юлдузлик шапка-ю бўғма ёқалик кителъ кийган...

Тўрақон аяда ҳам ҳаловат йўқ. Унинг қачон ухлаб, қачон дам олиши белгисиз. Гоҳ шўролар маҳкамасига югуради, гоҳ хотин-қизлар ичида ташвиқот олиб боради, гоҳо аёлларни ўқитиш ишига жон куйдиради. Аҳвол шу даражага етдики, Қўқонда унга «Қозин ойм» деб от қўйиб олишди. Чунки ая аёлларга ҳаминша маслаҳатқўй, уларнинг мушкуллини осон қилар, «ожиза-ю заиф»ларнинг забун толеига дилдан ачинар эди.

Ая хотин-қизлар бўлимига энди мудира қилиб сайланган эди. Бир дугонаси гап топиб келди:

— Тўрақон, эҳтиёт бўл. Босмачилар Якатутда эълон ёпиштириб қўйганмиш. Кимки Иброҳимовани тутиб берса, фалон сўм мукофот деб...

Шу-шу ая уйда тунамайдиган бўлди. Аёллар жам бўлиб бир кун кўшини Тўтинисоникига ётишди, бир кун Турсунбой сарторошникида, учинчи кун яна аллакминикида. Изқуварлар эса, тинмай таяқиб ётишди.

Бир кунги ая энди ишдан келиб турувди, пепоналари тангилган икки йигит кўринди эшикда. Ая ҳадиксираб, нарвонга аячилашди.

— Тўхта! — деб бақирди биринчи йигит. Ая югуриб бориб тоғга ўрмалади. Йигит тўппочадан икки марта ўқ узди. Бири аянинг ўнг қўлига, иккинчиси сонига тегди. Йигит яна ишонга олди. Бироқ ая учиб қўшининикига ўтиб олди-ю, хушидан кетиб йиқилди... Ая ЧИда ишлаб бошлади.

«СИЗНИ ЎРТОҚ ЛЕНИН ТАКЛИФ ЭТАПТИ»

Унутилмас 1922 йил келди. Ҳа, унутилмас... Негани, ўша йили ая Москвага борди, Лениндай одам билан шахсан суҳбатлашди.

Бу туни тифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси очилаётган кунлар. Танаффус. Бир гуруҳ Шарқ вакиллари гап-лашиб туришибди. Тўсадан Дзержинский пайдо бўлди:

— Кечирасизлар, ораларингизда Ўртоқ Иброҳимова йўқми?

— Бор. Мен... — ийманиб жавоб қилди ўрта бўйли, паранжикли аёл.

— Сизни Ўртоқ Ленин таклиф этапти! — деди Дзержинский.

Аянинг тимқора, шахло қўллари чақнаб кетди. Ҳазил гапми! Ахир уни Ўртоқ Ленин чақиряпти! Яна кимни денг? Собир бир камбағалнинг қизини, оддий хизматчи аёлни!

Қўқнагина машинада Кремлга кетишяпти. Ая ҳануз ҳаяжонини босолмайди. Ҳаёлига келмаган гаплар бўляпти... Йўқ, ҳаёлидаги гаплар. Ахир, хув ўша, босмачилардан бекиниб Тўтинисоларнинг томида ётиб юрган кезлари, осмон тўла юлдузларга боқиб Ленинни ўйламаганимиди? Минглаб етим-есирнинг кўз ёшини тўхтатган, ўзига ўхшаган йўқсулларнинг қўлини узун қилган Ленин билан икки оғиз суҳбатлашиш, унга бахтиёр Қўқон халқи номидан икки оғиз раҳмат дейишни кўнглига тутиб қўймаганимиди? Мана, энди ўша ниятига етай деб турибди.

Аяни ичкарига таклиф этишди. У остона ҳатлади-ю, чиммат ичидан Ленинга қаради. Тўрда пастроқ бўйли, бугдойранг, кўринишдан миқти киши турарди. Ая бир қадам олға босди, сўнг ортига қайтди. Бопидан шартта паранжисини олди-ю, илганка осди. Кейин доҳийга пешвоз борди. Ленин икки қўллаб кўришди. Сўнг уни стулга таклиф этди.

Ая русчани унча-мунча биларди. Шундоқ бўлса ҳам таржимон орқали гаплашдилар. Доҳий ундан ҳол-аҳвол сўради, Қўқон хотин-қизларнинг фаолиятини сурништирди, йўл-йўриқ берди. Ая мижага қоқмай доҳийга тикилиб қолди. У, Лениннинг меҳр-оқибатли, ўткир кўзларидан йўқоқ жилвани, овозиданг сехрли оҳангни бир умрга ёдлаб қолмоқчи эди...

Икки йил ўтиб, яна Москвага борганида ая ширин армон билан яшарди: агар илож бўлса, у доҳийни яна бир қўради, топшириқларини юз фозиз ўринлатгани ҳақида қувона-қувона гапириб беради.

Афсуски, бу сафар ая Ленин билан гап-лашолмади, доҳий тобути ёнида фахрий қоруволди турди...

МУЗЕЙДАГИ ВОҒЕА

Бундан беш-олти йил бурун ая қизи Чинниҳон опа билан дам олгани Қримга борди. Қайтишда:

— Чинниҳон, — деди ая, — Масковга бориб Ленин ўтган ерларни бир зиярат қила кетмаймизми?

Шундай қилиб, она-бола Москвага келишди. Тўғри Ленин музейига киришди-ю, доҳий кабинетига қараб юрдилар. Шу пайт уларнинг ёнига музей ходимларидан бири етиб келди. У аяга сиччиклаб тикилди-ю:

— Кечирасиз, сиз Ибрагимова эмасми-сиз? — деди.

— Ҳа, Ибрагимова, — деди Чинниҳон опа.

Ходим уларни маъмурий хонага таклиф қилди. Бирпасда одам йиғилди. Яйраб гаплашдилар, ая уларга Ленин ҳақида гапириб берди. Сўнг доҳий кабинетига чиқдилар.

Хонага кирди-ю, ая титраб кетди: ўша стол, ўша шкаф, ўша телефон, ўша сийҳон... Фақат Лениннинг ўзи йўқ. Ўша ҳаракатчан, меҳрибон, одил, куюнчак одам йўқ энди...

Аяга стул қўйиб беришди. Қаёқдандир ҳаёбар топиб мухбирлар етиб келишди. Улар бетиням савол беришар, дам-бадам фотоаппаратларини чиқиллатишарди. Ая эса, ашёларга бир-бир назар ташлар экан, гоҳо энтикиб қўярди. Унинг кўпини кўрган ҳаёлчан кўзларидан Ленинга таъзим бажо келтираётганини, унга дил-дилдан қўллуқ қилаётганини англаб олиш қийин эмасди...

Аяни толиқтириб қўйишдан чўшиб, хайрлашмоқчи бўлдим.

— Ҳа-а... — деди у ўйчан, — бари мана бу ерда, кўксимда. — Ая кафтини сийнасига босди.

Кетялман-у, сийнага босилган кафт кўз олдимга келаверади. Рост, аянинг кўксига битмас, улуг хазина ётибди. Бу хазина Ленинга муҳаббатдир.

С. СИЕВ.

«Гулистон» гурунги

ОЛТИН АРМУФОН

Ўзбекистон ССР Геология виставкасининг биринчи ўринбосари В. Г. ГОРКОВЕЦ билан суҳбат

— Ҳар йили министрлик янги-янги ютуқларини кўлга киритаётганидан хабаримиз бор. Бу муваффақиятларнинг асосий омилни нимада эканини айтиб берамиз.

— Маъқул. Ўрта Осёё республикалари орасида қазилма бойликларининг мўлғили билан Ўзбекистон алоҳида ўрин тутайди. Азалдан шундай бўлган. Биз қадимги қазилма изларини қидириб топдик. Айниқса, IX—XI асрлардаги топила ишонсаларни ёзга тугалмас бойликлар топишга ёрдам берди.

— Менимча, сизларда мутахассисларнинг жуда катта коллективи меҳнат қилади. Шундайми?

— Ҳа, қўриб турган харитангиздаги нуқталарда (ростданам кўзни қамаштириб юборадим) ўттиз минг геолог меҳнат қилаёпти. Уларнинг тенг ярми олми маълумотли мутахассислар... Шулар туфайли гурурланамиз.

Мутахассисларимиз ҳар қачон изланиш, нуқул изланиш пайнда бўладилар. Гранит, мрамор, мис, олтин, қўроғиша, сурма ва бошқа қазилмаларнинг сони йил сайин ошиб бораёпти. Энди Мурунтоз олтин конини ягона, дея олмаймиш. Тўғри, Мурунтоз Совет Иттифоқида йирк кон ҳисобланади. Аммо ўлкадан яна ўнлаб олтин конлари топиладик, у мамлакатимиз қазилмасини бойитмоқда. Шу йилнинг бошида олтин запасини аниқлаш бўйича беш йиллик режа ошиғи билан бажарилди.

— Раҳмат. Ҳақиқатан, ўлкаимизда ҳисобсиз бойликлар бор. Шундай бўлгач, геологлар тиниб-тинчийдими!

— Ишланишнинг ибтидоси — улуг Лениннинг унутилмас ёрдами билан боғлиқ. 1920 йилда Тўшкентда Давлат университетини таъсис этиш ҳақидаги тарихий декрет ҳаммага аён. Ўша йили бу илм даргоҳида геология факультетини ташкил этиш ҳақида Илчиц алоҳида кўрсатма берган эди. У мамлакат қудратини ошириш учун табиат ресурсларидан унумли фойдаланиш зарурлигини доим уқтирарди. Доҳийнинг ўнгитлари ҳаминша ёдиди бўлади. Коммунисттик партиязимизнинг раҳмхўрлини туфайли 1954 йилда геология ташкилотларининг барчаси ягона геология министрлигида бирлашгани ишимизни тағин енгиллаштиради.

— Сўнги савол: айтинг-чи, юбилей йилида ленинчисига ишладик деганда, қайси ишларни кўзда тутасиз?

— Ўлка тоғларининг ўзида уч юздан зиёд нуқтада иш қизғин кетаяпти. Биз ишчи тағин пухта ташкил қилишга киришдик. Ҳозир қазилмага ишлатадиган сувни ерининг остидан оламиз. Чувки деҳқончиликка сарф бўладиган оби-ҳаётдан фойдаланмаймиш. Кўпроқ қуриланш мақсудларини топиб, бинокларни хушнуд қилаёмиш. Шунингдек, олтиннинг бебаҳо хазиналарини қидириш ҳаммадан кўра диққат марказимизда. Яқиндагина Чормитон олтин конининг топилиши улдузсиз қидиришимизнинг натижаси бўлди.



Ташкент, Ленин кўчаси...

«Бу йўллар кўп қадим йўллар». Ҳа, йўллар... Кекса ер юзидаги бесаноқ ажинлар. Уларда не-не сирлар, не-не ҳодисалар яшири. Улар кўксиди олчоқ боқинчининг ифлос излари ҳам бор, улар кўксиди озодлик учун курашган, бахтнинг нури йўлида жон берган ишчининг қатра-қатра қонлари ҳам пинҳон.

Йўллар...
Бизнинг бепоён ўлкамизда йўллар беҳисоб. Бироқ уларнинг ҳаммаси бир жойда тўқнашади, бир жойга элтади. Чунки мамлакатимиз кўчалари, сўқмоқларидан дарёдай тошиб бораётган одамларнинг орзу-истаклари, интилишлари бир, ягона. Улар қайси кўчада кетаётган бўлмасин, аини чоқда Ленин бошлаб берган, унинг идеаллари машғалдек ёритиб турган ягона йўлдан бормоқдалар. Демак, ҳамма кўчаларимиз ҳам Ленин номи билан боғлиқ.

Икки озиз гап билан бу кўчаларнинг ҳаммасига таъриф беролмаймиз. Шунинг учун ҳозир фақат пойтахтимиздаги Ленин номи кўча ҳақида баҳс этамиз, тўғрироғи, шу кўча бўйлаб сайр қиламиз, унинг тарихи, бутуни, келажаги билан танишамиз.

ОҚ КАБУТАР

Ленин кўчасидан ўтиб бораётган ҳар икки боланинг бирдан «йўл бўлени», деб сўрасангиз, ё «пионерлар саройига», ё «тўғаракка» деган жавобни оласиз. Қўвчоқ болалар бу ерга дам олиш, қобилиятларини пешлаш, ҳўнар ўрганиш учун; кичкинагина бўлса ҳам, учувчи моделми, мум ҳайкалчами, бўёғи суртилган кетган оддий расми, ганча туширилган ўйма нақшларми, барибир, жиндек ижод-ихтиро қилиб, тоғ-тоғ завқ олиш ниятида келишади.

Мана, ҳозир ҳам Ленин номи пионерлар саройи гавжум. Кимдир сирпанчиққа тирмапалати, кимдир инананда баланд чиқиб, паства тушади, кимдир аргамчида...
Вир четдаги ўриндиққа бориб ўтирдим. Саройни тўлдирган қувонч қийдириқлари, болалар чехрасидаги шўх, самимий табассум қалбимга илиқ ҳис бағишлайди.

Кўни кеча эшитганим дадамлар ҳикояси ёдимга тушади...
— Мен олти-етти ёшларда эдим, 1907 ё 1908 йил бўлса керак. Князь саройида ишлаётган дадамларга эргашиб борардим. Уч-тўрт уста князь-ҳовлисининг чап биқинида янги уй солишайтганди.

Ранданинг шир-шир югуриб қиринди сочишига маҳлиё бўлиб ўтиргандим, бошимни кучли бармоқлар чангаллади. Тепамда сариқ соқол, гавдали, янги зарбоф тўни устидан қизил белбоғ боғлаган киши турарди.

— Уста Ваҳром, твоя баранчук? — сўради у дадамлардан.

— Мой.
Бояги киши қўлимдан олиб, ўртадаги чиройли бинога олиб кирди. Бир аёлга аланима деганди, юзига сариқ нарса суртилган оқ нон тутқазди қўлимга. Олдим, лекин емадим. Кўнглим тортмади.

— Емайсанми, ўғлим, нега кўтариб юрибсан уни?

Бурнимни жийирдим. Сариқ соқолли киши менга ўқрайиб қараб қўйди. Дадамлар е, деб яна қистадилар. Кўнмадим. Қўлимдан олиб, «сладкий», «хороший» деганча нонни ўзлари едилар. Бояги киши кетгач: — Бу ўрис бой. Сариеғ суртилган нон бердию, нега емайсан? — деб койдилар.

«Урис бой» — князь Николай Константинович Романов экан.
Князининг бир гала кабутари бўларди. Оёғи, кўзлари пушти оқ кабутарга ишқибоз бўлиб қолдим. Бир куни шувисини олиб берасиз, деб хархаша қилдим. Анча кўз ёшидан кейин кабутарбоқар уни тутиб берди. Уйга келтириб ин қурдим; дон сочдим, сув бердим. Уйқум келгунча атрофида парвона бўлдим.

Саҳар уйғониб яна унинг олдига югурдим. Борсам ин бузилиб ётибди, дон-дунлари сочилиб кетган, кабутар йўқ. Онамдан сўрагандим:

— Мушук еб-кетибди, — дедилар. Хўрлигим келди.

Кейин билсам, кабутарбоқарнинг менга раҳми келиб, князь биллиб қолмасин, деган шарт билан эрта тонггача берган экан уни. ...Ҳикоя шу ерда тугаганди.

Хаёлимни бир зум чуллаган ҳазин мунгли югуриб юрган болаларнинг қий-чуви тўз-ғитиб юборди.

Уша князининг собиқ қароргоҳи — пионерлар саройи қошидаги 44 тўғаракка муттасил қатнаб турган 3 минг ўқувчининг ҳаммаси бахтиёр, орзу-умидлари жўш уради.

Ҳа, улар сариеғ нималигини билмайди-ган содда, бирдан-бир иштиғеи, завқи топталган болалар эмас.

Пионерларнинг ижоди, ихтирочилик ҳа-

ракати, интилиши тўғарак доирасида қолиб кетмайди. Қучилар Львов, Ереван, Киев болалари каби қардош тенгдошлари билан беллашиб туришади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Арутюнова раҳбарлик қилаётган «Ваҳор» рақс тўғараги кўрсатган концертлар томошабинларнинг ҳурматинон қозонган.

Уртоқ Ҳакимов раҳбарлигидаги ёғоч ўймакорлиғи тўғараги аъзоларининг ижоди ҳам кўрғазмаларда намойиш қилинади.

Умуман, ўттиз беш йил бўлибдики, бу даргоҳда болалар меҳнатни, санъатни, билимни севишга, кўнлма ҳосил қилишга ўрганадилар. Чин инсон бўлиб яшани, Ленин берган бахтни авайлаб-ардоқлашни ўрганадилар.

ЖАҲОН ИЛМИКИ МЕНГА БУ КҮН ЁД ЗҲУР...

Мана, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий билан халқларни инқилоб йўлига бошлаган, эрк берган Ленин учрашган жой. Бу ерда уларнинг номи бир вақтда тилга олинади.

Билимга ташна студентлар, ишчилар, ўқувчилар, инженерлар, олимлар Илмий назариясини ўрганиш, илм чашмасидан баҳраманд бўлиш учун Алишер Навоий ҳузурига — республика кутубхонасига келадилар.

Буни қараган-ки, кутубхонанинг юз йиллик тўйи Ленин юбилеи билан кетма-кет нишонланади. Кутубхона 1870 йили май ойининг охирилари, июнь ойининг бошларида ташкил бўлган. Янги очилган вақтида қироатхонлар сони атиги 75 киши: 45 офицер, 19 чиновник, 5 савдогар, 2 ҳарбий мирза, 2 рухоний, 1 аёл ва ерли бир кишидан иборат эди.

1948 йилда Навоийнинг туғилганга 500 йил тўлиши муносабати билан кутубхонага шоир номи берилди.

Ҳозирги кунда кутубхонада сақланаётган китоблар 3 миллион 527 миң 600 жилд, китобхон эса 42 миң киши. Бу рақамларни юқоридаги сонлар билан таққослаб кўринг-а!

Бу ерда нодир қўлэмалардан тортиб кундалик газеталаргача бор. 1870—1917 йилларда чиққан Туркистоннинг илк газеталари «Туркистон вилоятга газети», «Русский Туркестан» ҳам тарихий ёдгор-

лик сифатида жовонлардан жой олган. Ана, Абу Али ибн Синонинг «Ал-қонун», нарироқда эса Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» кўлдэма нусхалари.

Хоржий мамлакатлар билан китоб айирбошлаш кутубхона анъанасига айланди. Бултур чет элдан 735 китоб олинди, 630 жылд китоб ер юзининг турли мамлакатларига жўнатилиди.

Кутубхона чет эл адабиёти бўлимининг мудури Топшўлат Йўлдошев билан учрашдим. У, кутубхона 36 мамлакат билан алоқа қилаётганини айтди.

— Айниқса, Шарқ мамлакатлари билан алоқамиз яхши,— дейди у.— Суриядаги араб академияси, Дамашқ дорилфунуни, Эроннинг Табриз академияси, Афғонистоннинг Пушту академияси билан китоб айирбошлаш турбимиз. Бу ўлкаларнинг шароити, деҳқончиликги ўзбекистонга ўхшагани туфайли, пахта, пахтачилик механизмлари ҳақидаги адабиётга талаб катта. Улар ҳам бизга кўплаб илмий, бадиий, энциклопедик характердаги китоблар жўнатишяпти.

Кутубхонадан Навойининг ушбу сатрини хаёлан ўқиб қайтдим:

«Наҳон илмики менга бу кун ёд эрур...»

МЕҲМОННОМА

Кўз ўнгимда меъморчилигимизнинг анъанавий нақшлари жилоланади. Пўқ, олдимдаги тарихий обида эмас, замонавий муҳташам бино. «Тошкент» меҳмонхонаси.

Тошкентда меҳмонхоналар кўп, бироқ бу ўзгачароқ. Бу ерда «Интурист» — чет эл туризмига хизмат кўрсатувчи шаҳар жамияти жойлашган. Ўзбекистонимизнинг ажойиб копоналари, меҳмондўст халқи, асримишга сох тараққиёти билан қўйишадан сайёҳлар аввал шу ерга қадам қўйишади.

Хув авани ерда юрган туристлар олди-жадал юриб хуштабиат кўвноқ қиз келди. Бир-бир қўл бериб сўрашди. Майин жилмайганча, уларга нималарнидир тушунтира бошлади. Меҳмонлар билан суҳбатлашгим келди. Лекин улар ўзбек тилини ҳам, рус тилини ҳам билишмайди, мен эса уларнинг тилини... Қувноқ қизга мурөжаат қилдим:

— Кефирасиз, меҳмонлар билан гаплашмоқчи эдим, ёрдам беролмайсизми?

— Марҳамат, гапираверинг, мен таржима қиламан.

Сайёҳлар Германия Демократик Республикасидан келишбди. Уларнинг бошлиғи Дитрих Моргенвег билан анча мулоқотда бўлдик. Ўрта Осиё республикаларига иккинчи келиши экан. Олдинги сафари ер қимирлаган вақтга тўғри келган экан, ўшада Тошкентни кўролмай қайтибди.

— Тошкент таассуротларини, меҳнатсевар халқингиз ҳақида ўйларимни ёзиб берсам, қудай бўларкин.

— Жуда яхши.

Хайрлашдик (таржимонимиз орқали, албатта). Дарвоқе, бизнинг бир-биримизни тушунганимизга, фикр алмашувиимизга катта ёрдам қилган кўвноқ қиз Флора Боховтудинова экан. Саҳбатчиларга тилмонлик қилаётганига атиги санкиз ой бўлганига қарамай, меҳмонлар Флоранинг хизматидан мамнун.

Эртасига меҳмонхонага яна бордим. Дитрих таассуротлари ёзилган қоғозни узатди. У немис тилида ёзибди. Хушчақчақ Флора яна ора кирди. Германиялик педагог коммунист бундай деб ёзибди:

«Мен Маркс тугилган мамлакатдан Ленин барпо қилган ўлкага келдим. Мамлакатларимиз биродарлик ипи билан узвий боғлиқ, мен аҳм ҳузурига келдим, десам янглишмайман.

Икки кичик лавҳа Тошкентдан олган бой таассуротларимни ифодалайди.

Ўзбекистон Халқ хўжалиғи, ютуқлари кўрғазмасида бизга Тошкентнинг келажак лойиҳаларини кўрсатишди. Бу лойиҳалар яқин йиллар ичда рўёбга чиқарилишни эшитган ҳамроҳларимдан бири бунга ишонқирамади. Шундай улкан ишларни бунчалик жадал бажариши мумкинлигига унинг ақли бовар қилмасди. Бироқ қатъий ва мўлжалдаги жавоб уни ишонишга мажбур этди:

— Бу ерга 1972 йилда қайта келсангиз, шаҳарнинг худди лойиҳамиздагидай қуриб битказилганини кўрасиз!

Биз ҳатто меҳмонхонада ҳордиқ чиқараётганимизда ҳам Тошкентда катта қурилиш олиб борилаётганини деразадан кўриб ўтирдик. Меҳмонхона ёнидаги бетонқорғич туну кун тинмай ишлаб тургани фикримизга далил бўла олади. Тошкентда оз вақт бўлдим. Шунда 1966 йил фойжасидан кейин қурилган қардошлик боғлари, кўчала-

рини, кўркам уйлари, эртани бугунга айлантираётган халқнинг қудратини яққол кўролдим».

«ЖАҲОНОБОД»

«Тошкент» меҳмонхонаси қаршисидаги улкан хиёбонга кириб боришимиз. Сўлим гулзор ўртасига кетма-кет ўрнатилган тўрт фавворада камалак жила қилаётгандай туюлади. Биров атайин қуёшни майдалаб, кўкка иргитаётгандай...

Эиналардан чиқиб борамиз. Қаршимизда улкан Тинчлик ёдгорлиғи. Кейин жаҳон халқлари дўстлигини ифодаловчи боғларга бир-бир кирамиз. Мана, Япония боғи: тепаликлар, гўр, гаройиб дарахтлар. Наригиси — рус боғи. Бу ерда «Мовий куббалар» деган шинам, салқин, кўркам кафе қад кўтарган.

У ердан ўтиб ўзбек боғига кирилади. Ишқомлардаги узум шاپалоқ баргларини офтобга тутиб турбди. Ен тарафдаги ҳовуздан салқин шабада уфурди.

Нариорда кичкинтойлар югуриб юришибди. У — энг янги болалар шаҳарчаси. Бу ерда болалар истаган машғулотлари билан шуғулланишлари мумкин.

Шаҳарчага соя-салқин француз боғи тўташиб кетган.

«Глаштентстрой» қошидаги «Висотстрой»нинг 2-трестига қарашли 2-қурилиш бошқармаси яратган беш юз метр узунликдаги, тўқсон уч метр кенликдаги Ленин хиёбони шундай гаштли манзилдр.

Қуёш уфқ орқасига юмалади. Пўлкаларни Ийич чироқлари ёритади. Қайтмоқдан. Юракда нозик туйғулар жўш уради. Кўкўлар тўққиз қаватли уйлариинг деразаларидан нур таралади. Ленин кўчаси — дўстлик кўчаси...

Троллейбусга ўтираман. Неон лавҳалар, кўчалардаги чироқлар лип-лип чопиб ўтади. Ана, Иттифоқимиздаги Ленин музейларининг учинчиси салобатли қаддини ростлаб турбди...

Ҳамма ерда Ленин шуури, Ленин даҳосининг шарофати...

Тўхтамурад БАҲРОМОВ.

ҒАЙРАТИ-

МИЗГА

ҒАЙРАТ

ҚЎШИЛДИ

Утган йили ҳамма кўрсаткичлар бўйича йиллик топириқни муддатидан илгари бажардик. Юбилей йилида режаларимиз яна катта. Пўлатшуносларимиз Мўрачўл райондаги Ленин номли совхоз ишчилари билан зиммаларига 1970 йил учун қўшимча социалистик мажбурият олдлар.

Дарвоқе, беш йиллик планни 10 декабрга, йиллик топириқни 25 декабрга бажарамиз. Қўшимча бир неча юз минг сўмлик товар махсулотни, жумладан пўлат, туноука тайёрлашга сўз бердик. Ўн миңлаб тонна металл, 175 тонна ёқилги, 200 миң киловатт соат электр қувватини тежайимиз. Кўзда тутилганидан ташқари 100 миң сўм фойда оламиз.

Доҳий туғилган кун тантанасига қадар ҳам анча-мунча ютуқларни қўлга киритдик. Пўлатин тежайимиз. Маъдан эритиш вақтинчи камайитришга қисман эришилди. Мартен ўчоқлари одатдаги 6 кеча-кундузда эмас, 4,5—5 кун ичда тuzатилаётр.

Янги техниканинг шарофати ва иxtиpочилик таклифларининг жорий қилиниши сабабли барча ишларнинг 90—95

фойзи қурилмалар ёрдами билан бажарилмоқда. Ҳар икки ҳедада меҳнат унвудорлиғи утган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 10 фойз ошмоқда.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Санд Нуриддинов ва мастер Ахтам Жалиловлар бошчилик қилаётган бригадалар пешқадамлиқни қўлдан беришмаяпти. Иккала бригада оинга 500 тоннадан зиёд пўлат бермоқда. Корхонамиздаги яна бир неча бригадалар 1971 йил ҳисобига махсулот ишлаб чиқармоқда.

Утган йили корхонамизни кенгайтириш лойиҳаси ишлаб чиқилганди. Шу қунарлардаёқ лойиҳани амалга ошириш учун тайёрларлик ишлари бошлаб юрди. Бу кеиг кўламли тадбирдан сўнг корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати бир неча баравар ошад.

Айтиш керакки, корхонанинг мўтабар доғий Ленин номи билан аталаниш ишчи аҳлиимизни шу муборак номга лойиқ меҳнат қилишга ундайди.

Олим ИВРОХИМОВ,
Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номи металлургия комбинати партия комитетининг секретари.

НАЗАРАЛИ ЭРНАЗАРОВ, ҚАЙДАСИЗ?

Қўлимизда муъжазгина хат. У 1923 йилнинг 21 ноябрида Владимир Ильич номига йўлланган. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия Марказий архивида мактубнинг асл нусхаси сақланяпти. Пойтахтимиздаги Ленин номли музей ходимлари яқинда унинг дарагини билиб қўлишди. Хўш, у қандай хат ўзи?

«№ 714. ТОШКЕНТДА ЯШОВЧИ ЕРНАЗАРОВ НАЗАРАЛИДАН. ТОШКЕНТ. 1923 ИИЛ. 21 НОЯБРЬ.

— ЎРТОҚ ЛЕНИН, БИЗ, ЖИҚҚА ЕТИМЛАРГА ШАФҚАТ ҚИЛИНГ ВА ЕРДАМ БЕРИНГ.

ЯШАСУН ЛЕНИН...

ЯШАСУН БИЗНИНГ СОВЕТ ХАЛҚИМИЗ!
ЯШАСУН БУТКУЛ ШАРҚ ИҶҚИЛЛАРИ!
ЕРНАЗАРОВ.

ГОРОД ТАШКЕНТ, ПУШКИНСКАЯ УЛИЦА,
№ 18. ГОГОЛЕВСКИЙ УГОЛ, № 7 «а»

УҚИШИМГА ЕРДАМ ҚИЛИНГ...

ЯШАСУН ЛЕНИН!

ЯШАСУН КОММУНИСТИК ПАРТИЯ!»

Бор гап шу. Сағир бола пакет устига адресдан сўнг «Ўқинишга ёрдам қилинг» деб, сўнгги илтижосини қўшиб қўйган. Хат 1967 йил Бокуда чоп этилган «В. И. Ленин Шарқ халқларининг дўсти» китобининг 2-жилдида ҳам худди шу ҳолича келтирилган. Дарвоқе, Эрназаров дедик. Хат-саводи эндигина чиққан бола ўз фамилиясини «Ерназаров», деб хато ёзган бўлишига шубҳа қилмасам ҳам бўлади.

Ленин музейи ходимларининг ҳузурнда бўлган кунин Назаралининг хати устида яна баҳс очилди. Илмий ходим Вадим Трубинковнинг айтишича, бурунги адресни топиш мушкул. Ҳозир Пушкин кўчасида янги бинолар қад кўтарган. Гоголь музолишида энди эски уй-жойлардан номиниш йўқ.

— Эҳтимол, бизга матбуотнинг ёрдами тегиб қолар,— дейди ўртоқ Трубинков.— Ахир, Назаралининг ўзи ёки таниш-билишлари ҳаётдир?

Бу гапда жон бор, албатта. Бирор кун редакциямизгами ё музейгами хушхабар келиб қолар. Бу нарса кўпчилигини қизиқтиради. Ингирманчи йиллардаёқ дохий Лениндан мадад сўраган, дохийни ўзига ҳомий деб билган йитгича ким? Унинг аҳволи нима кечди? У ҳаётнинг синовларига бардош бердимкин? Балки Назаралининг иқболи кулгандир, кўллар қатори бахт-саодат топгандир?

Назарали Эрназаров, яқинда мактубинизнинг асл нусхаси Тошкентга келтирилди. Ҳадемай уни Ленин музейида кўрасиз. Ҳаёт бўлсангиз, марҳамат, қадам ранжида қилинг!

Назарали Эрназаровнинг хешлари, маҳалладошлари, таниш-билишлари, мурожаатимизнинг сизга ҳам дахли бор. Хат-хабарингизни кутамиз!

М. ХИДИРОВ.



В. И. ЛЕНИН.

Рисом Р. ЛЕВИЦКИЙ.



КОМСОМОЛГА

ЛЕНИН

НОМИ

ҚАЧОН

БЕРИЛГАН?

20-йиллар... Қаҳратон январь, мамлакат мотамда. Революция дохийси В. И. Ленин вафот этди, аммо унинг енгилмас таълимоти, у барпо этиб вояга етказган Коммунистик партия ҳамда унинг содиқ фарзанди Комсомол барҳаёт. Ильич ижод этган социалистик тузум, Коммунизм программаси, унинг ёшларга қилган васиятлари, Ленин ғоялари барҳаёт.

Мана шу мотам кунларида Комсомол Марказий Комитетининг пленуми дохий номини абадийлаштириш масаласини кўрди. Ленин номини ишчи ва деҳқон ёшларининг ҳаёти ва ишларида абадийлаштириш мақсадида, Россия Коммунистик Ёшлар Союзини Россия Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи деб аташга қарор қиллинди.

1924 йилнинг 12 июлида чақирилган Комсомол VI съезди бу қарорни маъқуллади.

Съездининг ёшларга мурожаатида бундай дейилади:

«Буюк ном эгаси бўлиш ёки буюк номини абадийлаштириш учунгина эмас, мамлакатимиздаги барча халқларнинг меҳнаткаш ёшлари ўзининг илгор оғради — Коммунистик Ёшлар Союзи билан бирга ленинча яшаш, ишлаш ва курашиниша ўрганишни қатъий ва ягона мақсад қилиб олсин деб, Лениннинг бизга қолдирган васиятларини амалга оширсин деб, шундай қарорга келдик».

ДОҲИЙ АСАРЛАРИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси жаҳон меҳнаткашларининг йўлбошчиси ва доҳий-инженери Владимир Ильич Лениннинг буюк назарий меросини ўрганишга ва уни Ватанимизнинг барча миллатлари ва элатларининг бойлигига айлантиришга ҳамisha жуда катта эътибор бериб келди ва бермоқда.

Республикаимизда В. И. Ленин асарларини ўзбек тилида нашр этиш Октябрь революциясининг дастлабки ойларида бошлаб юборилган эди. Дастлаб Владимир Ильич асарларидан парчалар, Ленин ёзган ёки имзолаган айрим ҳужжатлар бирин-кетин ташкил топа бошлаган маҳаллий матбуот органлари—«Иш-тирколон», «Қизил байроқ», «Туркистон», «Эл байроғи», «Бюллетень», «Эркинлик» ва бошқа газеталарнинг саҳифаларида нобит чикарилади бошланди.

Туркистон давлат нашриёти 1921 йилда В. И. Лениннинг «Ешлар союзларининг вазифалари» тўғрисида РКСМ III съездида 1920 йил 2 октябрда сўзлаган нутқини ўзбек тилида 1000 нусхада нашр этди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тuzилгандан кейин доҳий асарлари мунтазам равишда нашр этила бошлади. 1925—1927 йилларда доҳийнинг «Париж коммунаси», «Миллият масаласи», «1905 йил инқилоби», «Октябрь кунлари» деган ва бошқа асарлари чиқарилди. 1928 йилда ЎзК(б)П Марказий Комитети республика меҳнаткашларининг Ленин асарларига талаби ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, унинг асарларини «Ленин кутубхонаси» деган серияда нашр этиш ҳақида қарор чиқарди. 1928—1929 йилларда «Ленин кутубхонаси» сериясида доҳийнинг «Коммунизмда болаларча «сўзлик» касали», «Давлат ва революция» деган асарлари, икки бўлимдан иборат «Ленин хрестоматияси», «В. И. Ленин иқтисодий қонунчилик тўғрисида», «Дин ва ахлоқ тўғрисида», «Сўнгги мақола ва нутқлар» деган тўплами ва бошқа асарлари ҳар бири 4000 нусхадан нашр этилди.

1933 йилда ЎзК(б)П МК ҳузурида Марксизм-ленинизм илмий текшириш институти (ҳозирги ЎзКП МК ҳузуридаги Партия тарихи институти) тuzилди. Марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиб нашр этиш ишн институтининг асосий вазифаларидан бири эди.

В. И. Ленин асарларини нашр этиш ҳам, уларнинг тиражи ҳам йил сайн ортиб борди. Улуғ Ватан урушидан олдинги йиллардаёқ Лениннинг асарлари 147 номда 1,6 миллиондан кўпроқ нусхада нашр этилган эди. Ўзбек китобхонлари ўша йиллардаёқ В. И. Лениннинг икки томлик сайланма асарларини, «Давлат ва революция», «Империализм капита-

лизмнинг юқори босқичи», «Марксизмнинг уч манбаи ва уч тарихий қисми», «Социалистик революция ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи», «Империализм ва уруш», «Нима қилмоқ керак?», «Буюк почин», «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси», «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократияга қарши қандай курашадилар» деган ва бошқа бир қанча асарларини она тилида ўқиш имконига эга бўдилар.

Улуғ ватан урушидан кейин доҳий асарларини ўзбек тилида нашр этиш яна ҳам кўпайди. ЎзКП МК ҳузуридаги Партия тарихи институти республика партия ташкилотининг 1945 йил 13 июндаги қарорига биноан, В. И. Ленин Асарларининг русча тўртинчи нашрини ўзбек тилига таржима қилиб чиқаришга киришди. Ҳозирга қадар Асарларнинг 41 томи китобхонларга тақдим этилди. Бундан ташқари В. И. Лениннинг уч томлик танланган асарлари ҳам кўп нусхада нашр этилди.

В. И. Ленин асарлари ҳаммаси бўлиб 325 номда 5,6 миллион нусхада нашр этилди.

В. И. Ленин асарларини ўзбек тилига таржима қилишда П. Абдурахмонов, Ҳ. Азизханов, В. Алломов, З. Аминов, Т. Алимов, Н. Алимӯхамедов, Аъзам Айюб, Э. Бадалов, А. Бошинов, Ҳ. Бойбулатов, Ш. Булатов, С. Валиев, А. Еқубов, З. Еқубов, Л. Муродов, А. Мустақаев, А. Нажиб, С. Наим, Ф. Неъматов, Р. Саҳибов, С. Сиддик, Ҳ. Солиҳов, Ш. Толибов, А. Уразаев, М. Ҳасан, С. Шабиғуллин, С. Шоаҳмедов, Р. Шокиров, Ф. Эргозиев, З. Гимадиев, Р. Ҳабибов, Н. Ҳабибуллаев каби юздан ортиқ таржимонлар иштирок этди. Уларнинг ижодий меҳнати туфайли улуг доҳиймизнинг буюк адабий мероси ўзбек халқининг бойлигига айланди.

Республикаимиз меҳнаткашлари ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ўзларини қизқирган барча масалаларга устозимизнинг энбяхш асарларидан жавоб толмадилар. В. И. Ленин асарлари республика меҳнаткашларини пролетар интернационализм руҳида, коммунизм руҳида тарбиялашда, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда жуда катта роль ўйнамоқда, уларни коммунизмнинг тантанаси учун фидокорона курашга илҳомлантирмоқда.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, энг буюк инсон Владимир Ильич тугилган куннинг 100 йиллиги байрам қилинган ҳозирги кунларда доҳийнинг 55 томлик Тўла асарлар тўпламини ўзбек тилида нашр этишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Аҳмаджон АЮПОВ,
ЎзКП МК ҳузуридаги Партия тарихи институти таржима секторининг мудир.



Владимир Ильич Ленин асарларини ўзбек тилига таржима қилишда актив қатнашганлар. Утирганлар (чапдан): Зиё АМИНОВ, Лутфулла МУРОДОВ, Жалил БОЙБУЛАТОВ, Рихси САҲИБОВЕВ, Рустам АБДУРАХМОНОВ, Шариф ТОЛИБОВ. Турганлар (чапдан): Аҳмаджон АЮПОВ, Ҳамза СОЛИХОВ, Гисс НЕЪМАТОВ, Равил ШОКИРОВ, Зиёвуддин ЕҚУБОВ, Тешавой АЛИМОВ.

М. КОМЛЕВ фотоси.

ЛЕНИН

ИМЗОСИ

БИЛАН

МИРТЕМИР
шеъри.

Дони ЗОКИРОВ
музикаси.

Мирзачўлдай чўлларга
Дарёлар равон ҳозир.
Катта, ёруғ йўлларга
Тушмиш зўр қарвон ҳозир.

Ўзбек қадим ерида
Саҳросида, қирида
Ленин имзоси билан
Соҳиби даврон ҳозир,
Бахти бепоён ҳозир.

Қашшоқлик кетди узоқ.
Бу эл фаровон ҳозир.
Тарқоқлик кетди узоқ
Бу эл паҳлавон ҳозир.

Ўзбек — қадим ерида,
Саҳросида, қирида
Ленин имзоси билан
Соҳиби даврон ҳозир,
Бахти бепоён ҳозир.



Миртемир шеъри
Алlegro moderato
Д.Зокиров

Мир-э-чўл-дай
Кат-та ё-руғ

Дар-ёл-лар ра-вон ҳо-зир
Туш-миш зўр қар-вон ҳо-зир

Ўз-бек қа-дим е-ри-да
Са-ҳро-си-да қи-ри-да

Ле-нин им-зо-си-би-лан
Со-ҳи-би да-врон ҳо-зир

Бах-ти бе-по-ён ҳо-зир

Қа-шшоқ-лик ке-тди у-зоқ
Бу эл фа-ровон ҳо-зир

Ўз-бек — қа-дим е-ри-да,
Са-ҳро-си-да, қи-ри-да

Ле-нин им-зо-си-би-лан
Со-ҳи-би да-врон ҳо-зир,
Бах-ти бе-по-ён ҳо-зир



Ленин мавзуи адабиётимизнинг мангу мавзудир. Бу табиий, чунки Ленин шундай қуёшки, унинг нуридан бутун олам мунаввар, унинг тафтидан бутун дунё баҳраманд. Шунинг учун совет шоири қалбда жўш урган энг порлоқ ҳисларни, илҳомнинг энг баланд, энг жангдор пардаларини инсонга бахт, қўшиқча эрк берган буюк доҳийга бағишлайди.

Шоир Миртемир ҳам ижодининг бош мавзуини Ленин мавзун деб билади. У уч йил аввал бир мақоласида «шеърят йўлларига Ленин темаси мен учун олий мактаб бўлди», деб ёзган эди. Дарҳақиқат, Миртемир қўлига қалам олиб, шеър машини бошлаган кунлардан ҳозирга қадар Ленин мавзуга содиқ бўлиб келмоқда. У қирқ йил давомида Ленин ҳақида, Ленин гоёларининг тантанаси Тўрисида юзлаб шеърлар, балладалар, достонлар яратди. Яқинда эса буюк доҳийнинг юз йиллик тўғига тўёна бўлсин деб, уларнинг энг яхшиларини дасталаб, «Ленин жилмайиши» деган ном билан эълон қилди.

«Ленин жилмайиши» тўпламига Миртемирнинг Йигирма тўқизта шеъри ва битта поэмаси кирган. Гарчи шеърларнинг бир қисми ўттизинчи-қирқинчи йилларда, кўпчилиги сўнги йилларда ёзилган бўлса-да, тўплам муайян ички яхлитликка эга. Тўпламга яхлитлик бахш этиб турган нарсаси — Ленин образидир.

Кўпмиллатли сўзет поэзияси Ленин мавзуда кўп йиллик бой тажрибага эга. Бу — Ленинома саҳифаларига янги саҳифа қўшиш иштиёқида қалам тевратаётган ҳар бир шоир учун ҳам қўлайликлар яратди, ҳам қийинчиликлар тугдиради. Қўлайлик шундаки, шоир уста кўрмаган шогирдек ҳар мақомга йўргаламай, бой тажрибага таяниб, Ленин образини яратишда шакланган ижодий принципларга амал қилиб иш тутди. Қийинчилик шундаки, шоир бошқалар айтган гапларни такрорламаслиги, баландпарвоз, дабдабдор, тумтароқ мисралардан қочини. Ленин мавзуини ўян янгидан бадийи кашф этиб, доҳий сиймосини ҳаётий ва жонли бўёқларда очиб бериши лозим.

Миртемир бунга муваффақ бўлган. У ҳар бир шеърда Ленин сиймосининг бирор томонини чишига ҳаракат қилади. Бунда шоир кўпинча бирор ҳаётий факдан, Ленин биографиясининг бирор эпизодидан келиб чиқади-ю, шу фактнинг моҳиятини бадийи умумлаштиришга, шу эпизод замирида ётган маънони очига интилади. Шу тариқа шеърларда доҳийнинг мукамал образи гавдаланади.

ДИЛ ТОРИГА

ЖЎР

ҚЎШИҚЛАР

«Владимир Ильич Ленин», «Тўқсон икки», «У кун» каби шеърлар доҳийнинг буюклиги, Ленин гоҳларининг абадий тирикчилигини куйлашга бағишланган. Инсониятга озодлик келтирган, асрий зулм кишанларини парчалаб ташлаган, тарих ғилдирагини янги йўлга солиб юборган Ильич мангу барҳафт. «Ленин жилмайиши», «Олис Фарғонадан», «Ёмғирлик», «Сажада эмас», «Шамдон», «Ленин ва Ражаб бобо» каби асарларда шоир бирор конкрет воқеа билан боғлиқ ҳолда Лениннинг инсонийлигини, камтарлигини, халққа муҳаббатини ва халқнинг доҳийга севгисини ифодалайди. Масалан, «Ленин жилмайиши» шеърда шоир «очлик тирноғи чархланиб турган» Йигирмачи йилда Хоразм меҳнаткашлари Ленинга совға деб йигирма вагонлик қарвон юборишгани ва бунга Лениннинг муносабатини ҳикоя қилса, «Олис Фарғонадан» шеърда «уйғонган элнинг олов севгисидан нишонга тарзида Фарғонадан Ильичга келган совға ҳақида — қўқонлик ўймакор уста Қодиржон Хайдаров ясаган саккиз қирралик хонтахта ва учта курси ҳақида куйланади. Халқнинг доҳийга муҳаббати, Ильичга меҳрибонлиги, айниқса, «Ёрк қўшиғи», «Ёмғирлик» каби шеърда жуда яхши ифодаланган. Энг муҳими шундаки, бу шеърда халқнинг буюк доҳийга муносабати халққа хос бўлган содда ва самийи воқеаларда, баландпарвоз ҳайқирилмасиз, сохта кўтаринкиликсиз ифодаланган. Мана, «Ёмғирлик» шеъри. Оқ сарой эшигидан оломон ўртасида Ленин тик туриб, одамларни кўздан кечиради. Шарос ёмғир ёғмоқда. Ленин бош яланг. Шунда:

Оломон ўртасидан оҳиста чиқиб биров,
Ленинга тўғри юрди,
Бир нафас хаёл сурди,
Эғнида ёмғирликни ечганда шу пайт дарров,
Ленин кифтига ёйиб,
Деги зўрга сўз толиб:
«Тумовлайсиз-ку, Ильич, қани кийиб олинг-чи!
Иўқ демай, пайсалламай
Билмадим не келганди оқсокол
Матросмиди ё аскар,
Дехдонми ё чилангар,
Барча кўзлардан олқиш ёғар асрим соҳига.

Халқ билан Лениннинг яқдиллиги, Ленинга халқнинг чексиз ишончи, Ленин халқ манфаатларининг буюк ҳимоячиси экани айниқса, «Ленин ва Ражаб бобо» достонида яхши очилган. Бу достон-

да ҳам шоир ҳаётини воқеани асос қилиб олади: Ражаб бобо яратган боғни кимдир кесиб ҳақида буйруқ беради. Ҳеч қаердан нажот тополмаган Ражаб бобо Ленинга хат ёзади. Ленин унга жавоб беради ва боғ омон қолади. Шу оддий эпизоднинг бадиий талқинида Ленин ва халқнинг бирлиги, яқдиллиги чуқур очиб берилган. Шу тариқа Миртемир шеърларида Ленин фақат улуг доҳий, афсонавий паҳлавон сифатидагина эмас, кўзлари қичқоқчи, табассум шайдоси, одамга меҳрибон, жонли реал шахс сифатида, «ҳақиқатдек оддий» инсон сифатида ҳам гавдаланади. Унинг соддалиги ва камтарлиги, халққа яқинлиги Ильичнинг буюклигини янада чуқурроқ таъкидлашга ёрдам беради.

«Ленин жилмайиши» тўпламига кирган шеърларнинг яна бир фазилати шундаки, уларда лирик қаҳрамон образи ҳам пухта ишланган. Шоир ҳаётга шу лирик қаҳрамон кўзи билан қарайди, ҳаётини шу лирик қаҳрамон қалби билан баҳолайди. Биз лирик қаҳрамон сифатларига синчиклаб назар ташласак, унда ўзбек халқининг белгиларини, ўзбекнинг характери, ҳис-туйғуларини, ўй ва фикрларини пайқаб оламиз. Шоир лирик қаҳрамон тақдирда ўзбекнинг тарихий тақдирини ифодалайди. Унинг ўтмиши — «сарлавҳаси қон бўлган қалин китоб». У революцияга туюфайли, Ленин даҳоси туйфайли озодаликка чиққан, чинакам бахтга эришган. У содда, лекин гўл эмас, аксинча, ўз қадрини топган, ҳаётда ўз ўрнини билган, истиқбол сари тўғри йўлдан кетаётган одам. Унинг туйғулари ичиде энг устуни туйғу — ўз куйи, ўз эрки, ўз бахти, ўз инсонлиги учун қонуний ифтихор туйғусидир. У бугунги озод, меҳри бир жаҳон янги Шарқ учун гурурланар экан, бу гурурини шоир шундай ифодалайди:

Баъзилар айтгандай рўдапомас Шарқ,
Аргумоқ кетида олган туямас...

У шунинг учун ҳам гурурлангани, унинг бугунги юрти, севган ўлкаси — Шарқнинг нағшаси. Дунёнинг не-не бурчакларидан бу юртга илм олгани, тақриба ортиргани одамлар келади. Буларнинг барчаси Ленин даҳоси билан рўёбга чиққан. Шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон қалби Ленинга, Ленин яратган Коммунистик партияга, Ленин вужудга келтирган бахтиёр замонга ҳаммша миннатдорлик туйғулари билан тўлиб-тошган. Шунинг учун ҳам у чин юракдан чиқариб, қамоли саммият билан дейди:

Агар менинг шахримдан ёки кўчмадан Ленин Бирор марта ўтсайди, билмасени, — нетардим, —
Улай, ҳар кун ардоқлаб, тавоф қилардим секин,
Ҳар кун кўзга суртардим...
Ҳар кун кўзга суртардим...

«Ленин жилмайиши» фақат Лениннинг ҳаммша кадрон, ҳаммша азиз сиймосини поэтик таъсирлаган китобгина эмас, балки ўзбек халқининг доҳийга чексиз муҳаббатини ифодаловчи дил торига ҳаммша жўр қўшиқлар мажмуаси ҳам. Шоирларимиз ардоқлаб яратган Лениннома саҳифалари ичиде Миртемирнинг «Ленин жилмайиши» китоби ҳам муносиб ўрин эгаллайди.

Озод ШАРАФИДИНОВ.

«Гулистон» гурунги

ИЛҚ ҚАДАМ

Бу йил Ҳамза номидаги Академик театримиз М. Шатровнинг «Олтинчи июль» спектаклини саҳналаштирди. Шу муносабат билан муҳбиримиз Б. Мурод ақинда театрда бўлди ва Ленин ролини ўйнаган Ўзбекистон ССР халқ артисти Зикр Муҳаммадзонов билан суҳбатлашди.

САВОЛ: — Зикр ака, бундай буюк образни яратиш учун қандай тайёрдлигингиз?

ЖАВОБ: — Умуман, Ленин образини томошабинлар қалбига олиб кириш менинг қадим орзум эди. Мен илгари ўзимизда яратилган «Асрнинг бошланғичи», «Ленин Польшада», «Революция номи билан» каби фильмларни ўзбеклаштиришда Ленин ролига овоз берганман. Бу баъзиларга унчалик қийин туюлмасда, менга бир синов, дово эди. Мана, ниҳоят, «Олтинчи июль» спектакли қўйилган бўлди. Ленин ролини менга топширдилар. Мен Ленин ҳақидаги хотираларни ўқиб бошладим, Ленинни кўрганлар билан учрашдим, Ильич ҳақидаги хроникал ва бадиий фильмларни кўрдим.

САВОЛ: — Сиз бу янги, қийин ролини яратишда кимлардан ўргандингиз, қайси артистлар сизга қўмаклашди?


ЖАВОБ: — Ленин образи шунчалик мукамалки, уни ҳеч қайси артист тўла ва ёрқин намойён этолмайди. Шунинг учун ҳам, мен бу образ танишим, десам янгилишмайман. Буларнинг ичиде менга кўпроқ МХАТнинг «Олтинчи июль» спектаклида Ленин ролини ўйнаган Смирнов, «Кремль соати» кинофильмидан Каиров, турли кинофильмларда доҳий образини яратган Штраух, Ўзбекистонимизда кўп марта Ленин сиймосида намойён бўлган Шүкүр Бурхоновдан анча-мунча нарас ўргандим. Бироқ бу билан мен Ленин образини муфассал яратдим дея олмайман. Ленин ҳаёти катта бир китоб бўлса, мен унинг бир саҳифасини оқолдим, холос.

САВОЛ: — Кеҳирасиз, бу саволимнинг суҳбатимизга унча алоқаси бўлмасда, сўрашга жазм қилдим. Спектакль саҳнага қўйилган дастлабки кунларда сизнинг Ленин сиймосидан расмингиз бир неча газеталарда босилди. Унда замонавий қапон галстук тақиб олибсиз. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

ЖАВОБ: — Бояги саволларингиз умумийроқ эди. Буни қизиб бўлди. Бу ҳақда албатта ёнинг, журналхонларга ҳам қизиб туюлса керак.

Гап шундаки, биз «Олтинчи июль»ни ўзимизда эзлик фойз ўзлаштирдик. Кейин Москва артистлари билан тақриба алмашган бордик. У ерда Ильич ролини анча пшигтдим десам, бўлади. Ленин бу ютүқ фақат грим соҳасидagina эди. Эғни-баш хали тикилмаган эди, москвалик артистларники эса, менга тўғри келмади. Ўз костюмимда суратга туша қолувдим. Матбуотда шу суратни беришибди. Бу, албатта, иккинчи даражали масала. Масаланинг неғизи — Лениннинг ташқи кўриниши эмас, ички қиёфасини, рухий кечималарини ойдинлаштира олишда. Бу жуда қийин. «Олтинчи июль»да воқеа бир кеча-кундузда бўлиб ўттиши уни яна ҳам қийинлаштиради.

Ленин мен бу образни томошабин назариде иложи борича ёрқинроқ гавдалантиришга кучини аямайман. Чунки бу қўтлуг юбилейга менинг ижодий совғам бўлади.



Ильич касалдан турди.

Д. МООР расми. 1922 йил.

Ер юзининг поклиги учун.

В. ДЕНИ расми. 1920 йил.

ЛЕНИН ва сатира

Владимир Ильич бадний сатирани юксак қадрларди. «Дер Варс Якоб» деган немис журналида чоп этилган бир карикатура муносабати билан у шундай ёзди: «Карикатура нишонга теккан, самодержавие, ростдан ҳам, неча йилдирки: конституция, деб рус халқининг «жиги-

га» тегапти, тез кунда бу конституцияни «деярли бутунлай» берадилар, ундан кейин эса эски зулмни қайтадан тиклаб қўядилар».

Маълумки, В. И. Ленин Гоголь, Салтиков-Шчедрин, Чехов каби классикларнинг ўткир сатирик ибораларидан ўз нутқ ва мақолаларида усталик билан фойдаланган.

Еш советлар мамлакатининг душманларига қарши курашда ҳажв, карикатура кучли ғоявий қурол вазифасини бажарди. Чет эл интервентлари, олчоқ

нэпманлар, кибор дворянлар, чор Россиясининг амалдорлари, оқ офицерлар, сиёсий даллоллар, Инглоци шоирлар ҳажв, мазаҳ қамчиси билан аёвсиз саваланди. Маяковскийнинг машҳур «Роста»си, Демян Бедний, А. Безименский, В. Денининг заҳарханда шеър ва плакатлари бунинг ёрқин далилидир.

В. И. Ленин сатирик адабиётни диққат билан кузатиб борарди. Бу жиҳатдан у аynиқса Маяковский ижодига, жумладан унинг «Мажлисбозлар» шеърига юксак баҳо бергани маълум.

МУҚОВАЛАРДА: Биринчи ва тўртинчи бетлардаги расми М. ГРОМИКО чизган.
УЧИНЧИ БЕТДА — Ўзбекистон номмунистларининг штаби.

М. ПЕНСОН фотоси.

Бош муҳаррир: Асқад МУХТОР.
Таҳрир ҳайъати: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Иснандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Уктам ОРИПОВ, Рустам РАҲМОН (масъул котиб), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Комил ЯШИН, Муҳаммадҷон УРОЗБОВЕ, Тошмуҳаммад ҚОРИ-НИЕЗИЯ.

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Бош расм Э. РУЗИБОВЕ.

Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.

АДРЕСИМИЗ: Тошкент, 47. Карл Маркс кўчаси, 30-уй.

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳаррир — В-33520. Бош муҳаррир ўринбосари — В-33590. Масъул котиб — В-33659. Ижтимоий-сиёсий бўлим — В-33602. Адабий-бадний бўлим В-33519. Фан ва маданият бўлими — В-33519. Қабулхона В-33520.

Теришга ижозат берилди 20/II-70 й. Босишга рухсат этилди 2/IV-70 й. Қогози 70×108/8. Ҳажми 4 босма тобоқ. Буюртма 1669. Нухсаси 178566. Баҳоси 30 т. Р09328: Нашр. Г-36-09.

Ўзбекистон Компартияси Марназий Комитети нашрийтининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.



